

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида
УДК
494.322+05/07

ТЕШАБОВЕВА ДИЛҲУЗА МЎМИНОВНА

**Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти
аспектида тадқиқи
(Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида)**

10.02.19 – Тил назарияси

Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2012

Тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети маданиятлараро алоқалар, таҳрир ва адабиётшунослик кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: филология фанлари доктори, профессор
Боқиева Гуландом Хисамовна

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
Абдуазизов Абдузухур Абдумаджидович

филология фанлари доктори, профессор
Абдусайдов Абдували

филология фанлари доктори, профессор
Кўчимов Шухрат Наркизилович

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси _____ йил _____ ойининг ____ куни соат ____ да Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади (100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-а уй, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат _____ йил _____ ойининг ____ кунида тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби
филология фанлари номзоди, доцент

Н. Қамбаров

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари (бундан кейин ОАВ) энг самарали ахборот узатиш ва мулоқот воситаси, замонавий жамиятнинг муҳим ижтимоий институтларидан бирига айланди. Айнан ОАВ зиммасига ижтимоий онг шаклланиши ва тараққиётига оид энг муҳим вазифалар юклатиладики, уларни амалга оширишда муттасил такомиллашув жараёни алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай фуқаро ўз фикрини билдира оладиган минбар бўлиши керак. Улар жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий соҳаларда таълим олиши ва ривожланишига хизмат қилмоғи лозим”¹.

Оммавий ахборотнинг нуфузи, авваламбор, унинг кенг халқ оммасига қаратилганлиги билан изоҳланади. Бунда аудиториянинг ўзи ҳам ОАВ ходимларининг профессионал билим ва малакага эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда жамият сон-саноксиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек катта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у, барибир, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида: “Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади”², - дея таъкидлайди.

Ушбу муаммонинг долзарблигини тилшунос А.Абдусайдов ҳам таъкидлаб: “Газета тили ўзбек адабий тилининг таркибий қисмидир. Шу сабабли газета тилининг лисоний хусусиятларини ўрганиш ўзбек адабий тилининг ривожланиши, адабий нормаларининг турғунлашувига хос баъзи қонуниятларни белгилашга хизмат қилади”, – дейди³. Айнан шу фикрлар радио ва телевидение тили учун ҳам тааллуқлидир.

ОАВ тилининг мақоми икки омилга, яъни биз тил истилоҳини қайси маънода тушунишимиз ва ОАВ тили миллий тилнинг функционал турлари орасида қандай ўрин эгаллаб турганлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирда ОАВ тили миллий тилнинг барча функционал турлари орасида ҳукмрон ўринни эгалладик, унда барча функционал услубларнинг ресурслари мужассамлашган. Бошқача қилиб айтганда, ОАВ тили бугунги кунда, буни хоҳлаймизми, йўқми, миллий тилнинг жамлама образидан иборатдир.

Н.Маҳмудовнинг фикрича: “... тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. ... миллатнинг борлиги ва

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш – давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -51 б.

² Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. –Б. 83.

³ Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент, 2005. -39 б.

бирлигининг бош белгиси тилдир”⁴. А.Рустамов ҳам тил софлиги миллат мустақиллигининг муҳим шартин эканлигини эътироф этади⁵.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва қайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда. ОАВ кўпайиб боргани сари адабий тилда ҳам маълум ўзгаришлар, аниқроғи, тилда сўзлашув услуби таъсири устунлик қилаётгани кузатилмоқда. ОАВ таъсирида юзага келган тилдаги бундай “ўзгариш”лар тилшунослик нуқтаи назаридан диққатга молик.

Адабий тилимиз, бу – газета-журналлар, телевидение ва радиодаги ошкора нутқ, бадиий адабиёт демакдир. Уларнинг ҳар бири доирасида адабий тил ўзининг айрим кўринишларинигина намоён этади.

XX асргача адабий тил, бу – бадиий адабиёт, илмий адабиёт ва расмий ҳужжатлар тили бўлиб келган бўлса, бизнинг даврда публицистик услуб, ундан кенгроқ олинса, журналистика оммавий мулоқот тили адабий тилнинг тенг ҳуқуқли узвий қисми сифатида юзага келди. ОАВ тили намунавий тил сифатида қабул қилинмоқда.

ОАВ ходимлари ўзлари билиб-билмаган, истаб-истамаган ҳолда адабий тил ҳукмронлиги учун, ўзбек адабий тили учун курашчидир⁶.

Президент И.А.Каримовнинг: “Айни пайтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзан расмий мулоқотларда ҳам адабий тил қоидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини кўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб ётганини кўрсатади”, – деган фикрларини келтириш ўринлидир⁷.

Кўринадики, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этади. Мазкур ҳолат диссертация учун танланган мавзунинг **долзарблигини** белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ОАВ тилини ўрганиш муаммолари жаҳон ва рус тилшунослигида атрофлича ўрганилган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар натижалари В.Г.Костомаров, Г.Я.Солганик, И.П.Лисакова, М.Н.Володина, А.В.Николаева, Н.И.Клушина, Ю.А.Бельчиков, Е.С.Кара-Мурза, С.А.Шульскис, Н.Ю.Ломикина, Ю.С.Степанов, В.З.Демьянков, И.М.Кобозева, Ю.Д.Артоманова, Е.С.Кубрякова ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Бу олимларнинг илмий тадқиқотларида оммавий ахборот воситалари тили, асосан семиотик, когнитив, лингвопрагматик, социологик, психолингвистик ва культурологик аспектларда таҳлил қилинган.

⁴ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –Б.3.

⁵ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент: Extremum press, 2010. –Б.4.

⁶ Пардаев А, Рўзиев Ф, Маҳмадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. Тошкент.: Истиқлол, 2006. –Б. 25.

⁷ Каримов И. А. Юсак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2009. –Б.83.

Ўзбек тилшунослигида асосан матбуот тили бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада А.Бобоева, П.Рустамов, К.Юсупов, Ш.Раҳматуллаев, С.А.Муҳаммедов, А.Абдусаидов, И.Тошалиев, Р.Абдусатторов, Д.Сагдуллаев, И.Азимова, Ш.Абдураимова, Н.Қодировнинг⁸ ишлари диққатга сазовор. Бу олимлар ўз тадқиқотларида асосан газета тилига эътибор қаратишган. Жумладан, А.Абдусаидов “Газета тилининг жанр хусусиятлари” мавзuidaги диссертациясида ўзбек матбуоти тилининг жанр хусусиятларини ёритиб берган. И.Азимова диссертациясида газета матнларининг мазмуний перцепциясини психолингвистик йўналишда тадқиқ қилган. Н.Қодиров “Семантико-стилистический анализ в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на материале газет и устной речи)” мавзuidaги диссертациясида янги сўзларни семантик-стилистик жиҳатдан газета материаллари мисолида таҳлил этган. Ш.Абдураимова ўз тадқиқотида вақтли матбуот мисолида сўз ўзлаштириш назариясини тадқиқ қилган. Бироқ жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ОАВда нутқ маданияти муаммолари диссертация иши сифатида комплекс равишда чуқур тадқиқ қилинмаган.

Ишнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда илк бор ОАВ (газета, телевидение ва радио) тили нутқ маданиятининг меърий, коммуникатив ва этик аспектларида атрофлича тадқиқ этилган ва қуйидаги илмий янгиликларга эришилган:

ОАВ тили ва нутқ маданияти масалаларини тилшуносликда ўрганиш принциплари аниқланган. Нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ёритилди ва ОАВ тилида нутқ маданияти намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган;

замонавий ОАВ тилининг ўзига хослигини, функционал ва коммуникатив услубий хусусиятлари, миллий тилларда миллатлараро сифатларнинг ОАВ ёрдамида шаклланиши турли мамлакатларнинг турли маданий анъаналари, миллат дунёқараши, маданият илдизлари ва миллий менталитети билан боғлиқлиги очиб берилган;

газета тилининг социо-психолингвистик ва функционал-коммуникатив аспектлари ўрганилган;

нуткий-маданий баҳоси (қуриш техникасини, қўлланишнинг ўринли ва мақсадга мувофиқлигини баҳолаш) аниқланган;

телевидение ва радио тилининг хусусиятлари ёритилган;

телевидение радио нутқини ўрганишда унинг табиатини белгиловчи хусусиятлардан келиб чиқиш зарурлиги ва нуткий-маданий баҳоси

⁸ Қаранг: Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. –Тошкент, 2005; Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент, 2008; Қодиров Н. Семантико-стилистический анализ в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001гг. (на материале газет и устной речи). Автор. дисс... кан.фил.наук. –Тошкент, 2001; Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. –Тошкент, 1995.

аниқланган; ОАВ тилида нутқ маданияти меъёрийлик аспектда тадқиқ қилинган;

ОАВда учрайдиган меъёрий бузилишлар кўпчилик ҳолларда тил воситаларини нотўғри қўллаш билан боғлиқлиги аниқланган;

ОАВ тилида нутқ маданияти коммуникатив аспектда ёритилган; нутқ сифатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан бирининг бузилиши қолганларига ҳам футур етказиши ОАВ матнлари миқёсида аниқланган; ОАВ тилида нутқ маданиятининг этик аспекти таҳлил қилинган;

ОАВда этикет формулаларининг қўлланиши, журналистнинг вазиятни эътиборга олган ҳолда мулоқот муҳитини яратиш мақсадида фойдаланиши ва уларни қўллаши миллийлик хусусияти билан боғлиқлиги аниқланган;

ОАВ тилида нутқ маданияти аспектларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари очиб берилган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. ОАВ тили ва нутқ маданияти муаммолари ҳозирги лисоний жараёнларнинг марказида туради. Ижтимоий-психологик жиҳатдан нутқ маданияти шахснинг универсал характеристикаси бўлиб, унда шахснинг жамият маданияти, тил маданияти ва касбий нутқ фаолиятига нисбатан қарашлари ва йўналганлиги муҳим аҳамиятга эга.

2. ОАВ тилининг тозаллиги миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқдир.

3. Газета ўз адресати, тематикаси, нутқий характерида эга. Газета сони ўқувчи томонидан ягона матн сифатида қабул қилинади. Бундай матнлар газета сонининг нутқ маданиятини белгилайди. Уни ўқиш давомида ўқувчида, шубҳасиз, унга хос нутқ маданияти хусусида таассурот юзага келади.

4. Замонавий телевидение ва радионутқ оғзаки ошкора нутқнинг коммуникатив функционал кўриниши бўлиб, ўзида кодификацияланган адабий тил билан оғзаки нутқ хусусиятларини мужассам этган. У оғзаки нутқнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

5. Адабий тилга нисбатан замонавий ОАВ тилининг салбий таъсири мавжуд бўлса-да, бироқ прогрессивлиги туфайли у адабий тил тақдирида кўпроқ ижобий аҳамиятга эга бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, тилнинг миллийлик хусусияти билан боғлиқдир.

6. ОАВ матнидаги экспрессияга нутқий ифодалилиқнинг тарқоқ бўлган турли воситалари эмас, балки уларнинг тизимли ўзаро таъсирлашувлари натижасида эришилади. Публицистик услуб стилистик воситаларининг хилма-хиллиги тилнинг лексик ва синтактик қатламларининг нейтрал ва экспрессив бирликларини биргаликда қўллашни талаб этади

7. Миллат менталитети ва маданий анъаналарига қараб, мулоқот вазияти ва мақсадига мос равишда сўз ва иборалар турлича ишлатилади ва қабул қилинади. Шунга яраша нутқнинг коммуникатив жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва тўғрилиги турлича тушунилади.

8. Нутқ маданиятининг меъёрий аспекти, адабий тилнинг меъёрларини билиш ҳамда лексик даражада (сўзнинг аниқ танланиши), сўзлашиш

даражасида (фонетика, орфоэпия, мазмун ва ҳиссиётларга оид интонациялар, нутқ суръати, товуш оҳанги), грамматик жиҳатдан (морфология ва синтаксисда), морфемали ва сўз яшаш даражаларида уларни мулоқот амалиётида ишлатишни тақазо этади.

9. Нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти, нутқни ўқувчи ёки эшитувчи томонидан тўла ва мувофиқ равишда англаб олиниши учун, мулоқот амалиётида нутқнинг коммуникатив мувофиқлик шартларига амал қилишни тақазо этади, бу эса, ўз навбатида, тўғрилиқ, аниқлик, мантикийлик, ифодалилиқ, тозалик, таъсирчанлик, ўринлилиқ, тушунарлилиқ каби сифатлар билан тавсифланади.

10. Нутқ одоби – бу функционал-семантик универсалия бўлса-да, оммавий ахборот воситалари томонидан нутқий этикетнинг амалга оширилиши муайян минтақа ёки жамиятнинг нутқий хулқига хос хусусиятлар, мулоқот қоидалари, анъана ва урф-одатларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши керак.

11. Адабий тил ОАВ орқали янги сўзлар, янги маънолар туфайли ҳам ривожланмоқда. Оммавий коммуникацияда тил орқали ахборот етказишда ўзида мужассам этган янгидан-янги баҳолаш воситаларини яратиб боргани сари жамиятнинг борлиқдаги воқеа-ҳодисалар ва предметларни баҳоловчи номинацияларга бўлган эҳтиёжини ҳам қондириб бораверади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан белгиланадики, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси ОАВ – газета, телевидение ва радио тилида нутқ маданиятининг меъёрий, коммуникатив ва этик аспектлари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда радио-телевидение нутқи меъёрий ва коммуникатив аспектларининг ўзаро боғлиқлик томонлари ажратиб кўрсатилганлиги, газета, телевидение ва радиода нутқ одобига доир шаклларнинг фарқлари ва ўхшаш томонлари аниқланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Диссертация **натижаларининг амалий аҳамияти** шундан иборатки, ундаги материаллар умумий ва ўзбек тилшунослиги, нутқ маданияти, стилистика, риторика, журналистика бўйича бажарилаётган илмий-тадқиқотларда; олий ўқув юртларининг филология, журналистика ва бошқа факультетларида нутқ маданияти, стилистика, ОАВ тили ва услуги, нотиклик санъати фанлари бўйича маърузалар, амалий машғулот ва махсус семинарлар олиб боришда қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотнинг илмий асоси, методологияси, олинган натижалар ишнинг назарий концепциясига мос келиши, янги самараларга эришилганлиги ва янги масалалар қўйилганлиги билан таъминланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация иши натижаларидан ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети бакалавриат ва магистратура бўлимларида “ОАВ тили ва услуги”, “Босма ва электрон ОАВ тили”, “Нотиклик санъати ва риторика асослари” фанлари, “Оммавий онгни шакллантиришда ОАВ тилининг ўрни” махсус курси бўйича маъруза ҳамда амалий машғулот дарсларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашининг илмий семинарида 2011 йил 21 октябрдаги 3-сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Тадқиқот натижалари юзасидан ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида (Тошкент, 2001-2011) ҳамда «Восток» илмий-амалий конференцияси (Тошкент, 2004), «Русский язык в Узбекистане» (Тошкент, 2002), "Риторика в системе гуманитарного знания» (Москва, 2003), «Гуманистическая роль языка и литературы на современном этапе» (Бухоро, 2004), «Илм-фан тараққиётида олима аёлларнинг ўрни» (Тошкент, 2005), «Язык и стиль СМИ: проблемы теории и практики» (Тошкент, 2006), «Проблемы и перспективы воспитания языковой культуры и формирования языковой личности молодого журналиста и филология евразийского пространства» (Москва, 2006), «Мамлакатимиз илм-фани, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққиётида олима аёлларнинг ўрни» (Тошкент, 2007), «IV Международная научная конференция «Язык, культура, общество» (Москва, 2007, 2011), «Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун кадрлар тайёрлашда тил таълими масалалари» (Тошкент, 2009), «Тил тизими ва нутқий фаолият» (Самарқанд, 2010), «Систем-структур тилшунослик муаммолари» (Самарқанд, 2010), профессор Л.Н.Чумак хотирасига бағишланган «Язык и социум» IX халқаро илмий анжуманда (Минск, 2010) ва бошқа халқаро ҳамда республика илмий анжуманларида маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни битта монография, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий журналларда, илмий анжуманлар ва тўпламларда нашр этилган (жами 70) мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 330 саҳифани ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “Диссертациянинг **умумий тавсифи**” қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, илмий янгилиги, материали, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар ва б. ҳақида маълумот берилди.

Кириш қисмида оммавий ахборот воситалари адабий тилга кучли таъсир ўтказиши билан бирга тил тараққиётида қудратли омил бўлиб хизмат қилиши, унинг луғат таркибини бойитиши, семантикасини кенгайтириши ва нутқнинг янги шакллариининг юзага келишига сабаб бўлиши очиқ берилган.

Диссертациянинг “**ОАВ тили ва уни ўрганишнинг долзарб муаммолари**” деб номланган **биринчи бобида** замонавий ОАВ тилининг муаммо ва вазифалари, уни ўрганиш аспекти аниқланди, ОАВ тилини тадқиқ қилишнинг назарий асослари кўрсатиб берилди.

Бобнинг 1.1 - бўлими “ОАВ тилининг информацион-коммуникатив моҳияти” деб номланган. ОАВ имкониятларининг кенглиги, унинг фаолияти ва тараққиёти, аудиторияга таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб этади. ОАВ ҳақидаги фан анъанавий методларга асосланган янги фанлараро йўналиш ҳисобланади.

ОАВ хилма-хил мазмундаги ахборотларни кенг оммага етказиб берувчи воситалар – даврий матбуот, радио, телевидение ва хоказоларнинг умумлашма номидир⁹.

ОАВ тилининг шаклланиши уларнинг умумий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Ахборот бу – коммуникациянинг мазмуний аспектидир. “Ахборот ўз маъносида хабардаги «керакли» маълумотлар бўлиб, улар аудитория томонидан ўзлаштирилаётган билимлар, меъёрлар, кадриятлар сифатида англанади ва шу билан аудиторияга таъсир ўтказди”¹⁰.

“Ахборот бу – асраш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлиб хизмат қилувчи маълумотлардир”¹¹. Ахборотни тақдим этишнинг энг муҳим шаклларида бири матндир. Аудиториянинг ахборотни қандай қабул қилиши уни узатишда қайси ахборот воситаларидан фойдаланилаётганлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ахборот воситаси ўзига хос тил ва ахборотни актуаллаштириш услубларидан фойдалангани ҳолда, унинг табиатини шакллантиради, бу эса, ўз навбатида, борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга таъсир этади.

Ахборот тарқатиш муайян даражада жамият онгига таъсир этиш ва оламнинг умумий тасвирини тузиш орқали атрофдаги дунё ҳақида манзара ва баҳо ҳосил қилади. Бундай вазифани амалга оширишда ОАВнинг қуйидаги хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади: оммавий аудиторияга қаратилганлиги; ҳамма учун мўлжалланганлиги; тезкорлиги¹².

Керакли ахборотни етказишда, албатта, адабий тилнинг аҳамияти каттадир. Агар тил тизимини муайян тил қонуниятларига мос имкониятлар сифатида қарасак, ушбу тилда сўзлашувчилар айнан шулардан фойдаланади. М.В.Пановнинг таъкидлашича, бизнинг давримизда, меъёр бу тадқиқ эмас, ифода учун тил воситалари танловидир¹³. Меъёрнинг муҳим белгиларидан бири унинг онгли бошқарилиши ва унга сайқал берилишидир¹⁴. Меъёр тилдаги сўзларни контекст учун энг мосини танлашга ёрдам беради.

Лисоний шахснинг фаолияти ижтимоий соҳа, яъни дискурсада сўз семантикасининг бойиши ва ривожланишига хизмат қилади. Масс-медиа дискурсида тил воситаларини танлаш адресатга таъсир этиш мақсадидаги баҳо, кадриятлар системаси билан боғлиқ.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III - жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2007. –Б. 123.

¹⁰ Тростников В. М. Человек и информация. – М., 1980. –С.14.

¹¹ Теория информации // Сборник рекомендуемых терминов. Вып.64. –М., 1964. –С.5.

¹² Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004. – С.24.

¹³ Панов М. В. Труды по общему языкознанию и русскому языку. Т. 1. – М.: Языки славянской культуры, 2004. –С.58.

¹⁴ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. –Тошкент: Навруз, 2000. –Б.13.

1.2-бўлими “Тилшуносликда оммавий ахборот воситалари тилининг тадқиқи даражаси: таҳлил ва муносабат” деб номланган.

ОАВ тилини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганила бошланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бунда олимлар ОАВ муаммосига кўпроқ эътиборни қаратадилар. 1980-йилларнинг бошларида социолингвистика жадал ривожланганлиги сабабли оммавий коммуникация нутқий таъсир ўтказишнинг ўзига хос шакли сифатида ўрганила бошланган. Ҳозир ОАВ тилини ўрганиш соҳаси анча кенгайди. ОАВ тили ва тафаккур, ОАВ тили ва жамият, ОАВ тили ва маданиятшунослик, ОАВ тили ва сиёсат каби йўналишларда ўрганиш долзарб мавзуларга айланиб бормоқда.

ОАВ тили деб аталмиш ноёб ижтимоий-лисоний ҳодисани тўла тасаввур этишда социолингвистик, когнитив, семантик, психолингвистик, прагматик ва культурологик, дискурсив принциплар кенг имкониятлар очиб беради. Социолингвистик аспект доирасида ОАВ тилининг ҳолати, унинг афзалликлари ёки, аксинча, ундаги чекланишлар, яъни тилдан ташқари ҳодисалар хусусидаги журналистик фикрларнинг таҳлили катта қизиқиш уйғотади.

ОАВ тилини семиотика нуқтаи назаридан ўрганган мутахассислардан бири В.Н. Демьянков ОАВ матнининг семиотикаси тушунчасини ривожлантириб унга шундай таъриф берган: “ОАВ семантикаси учун воқеавийлик, яъни хабарларнинг қандай яратилиши ва уларни қандай тартибда жойлаштириш жуда муҳим”¹⁵. *Хабар* сўзининг семемасига «янгилик» семаси ҳам киради.

ОАВ орқали ахборот тарқатилиши дискурсив фаолият деб аталадиган алоҳида жараённинг амалга оширилиши асносида содир бўлади.

Лингвистларни ОАВ дискурсив фаолиятининг вербал томони қизиқтиради. А.П.Чудиновнинг фикрича, “масс-медиавий дискурсда тил воситаларини танлаш одатда манзил(адресат)га таъсир кўрсатиш мақсадида бериладиган баҳо, концептуал, образли ва эмоционал тавсифлар биринчи ўринга кўчадиган қадриятларга йўналиш тизими билан боғлиқдир”¹⁶.

ОАВ тилининг психологик хусусиятларини ўрганиш давомида Д.А.Леонтьевнинг илгари сурган оммавий коммуникациянинг (ОК) психолингвистик талқини ОАВ тили тадқиқотчилари диққатини ўзига тортади. Унга кўра, ОК – “мазмунлар трансляциясига” асосланган ва айнан шу мақсадга йўналтирилган¹⁷.

ОАВ тилининг когнитив йўналишда ўрганилиши ҳам энг долзарб тадқиқот аспектларидан ҳисобланади. Унга кўра, тил фақат тафаккурдаги тушунчаларни акс эттирибгина қолмай, балки унга сезиларли равишда ўз таъсирини ҳам ўтказади. Когнитология фанини ОАВ билан яқинлаштирадиган жиҳат бу ахборот билан ишлаш борасидаги умумий йўналишдир.

¹⁵ Язык СМИ как Объект междисциплинарного исследования. Ч 2. – М., 2004. –С. 68.

¹⁶ Там же. –С. 52.

¹⁷ Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004. –С. 97.

ОАВ тилини когнитив тадқиқ этиш принципи уни *прагматик ўрганиш* аспекти билан узвий боғланган. ОАВ тили яратган дунё манзараси хабар етказиш, ишонтириш ва таъсир ўтказишга мўлжалланган. У кўпгина адресатларнинг мафкуравий, сиёсий мақсад ва қарашлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ОАВ бир даврнинг ўзида бир эмас, балки (чексиз миқдорда) бир неча дунё манзараларини яратишга қодир.

Лингвистик прагматика – тилни “ўзининг ичида ва ўзи учун” эмас, балки инсон томонидан унинг фаолиятида ишлатиладиган восита сифатида ўрганувчи фан¹⁸. “Прагматика – тилшуносликнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг тадқиқот доирасида мулоқот жараёнида *лисоний бирликни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўлланишдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири масалалари ўрганилади*. Лисоний ҳодисаларнинг бу йўсиндаги таҳлили уларнинг қўлланилишидаги у ёки бу муҳитда мавжуд бўлган тўсиқлар, чегараланишларни ҳам аниқлашга имкон беради”¹⁹. Масс-медиа соҳасига оид прагматика энг ёш фан соҳаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда ОАВни ўрганишда комплекс ёндашув – медиалингвистика ривожлантирилмоқда. “Медиаматларни яратиш ва тарқатиш усуллари уларнинг лисоний ҳажм хусусиятлар, функционал-жанрли таснифлаш, фонологик, синтагматик ва стилистик хусусиятлар, талқин этиш хоссалари, маданий-хусусий белгилар, идеологик моделилик, прагмалисоний қимматига боғлиқ”²⁰.

ОАВ тилини культурологик йўналишда ўрганиш борасида маданият соҳасига оид матнларни тадқиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилади. ОАВ тилининг маданий хусусиятларини матн тушунчаси билан боғлиқ ҳолда талқин қилиш муҳимдир.

ОАВ тили журналист ижоди соҳаси сифатида ҳам ўрганилади. ОАВ матнлари, энг аввало, жанр хусусиятлари нуқтаи назаридан қаралади. Жанр бирор ижодий масалани ечишда муайян материалнинг тузилиш шаклидир²¹. ОАВ турининг жанр хусусиятларини ўрганиш ҳар қандай тарихий даврда долзарб ҳисобланган. Муайян жанрга бўлган эҳтиёж давр талаблари туфайли юзага келган.

Тадқиқотчилар томонидан жанрлар системасини ортиқча деталлаштириш ҳодисанинг эмпирик жиҳатларига кўпроқ эътибор бериш, «жанр категориясининг абстракт моҳиятини унутиш» га олиб келади²².

ОАВ тилини ўрганиш муаммоси ҳозирги кунда ҳам тилшунослар диққат марказида. Кўп йиллик изланишларга қарамасдан ҳалигача айрим

¹⁸ Кобозова И. М. Лингвопрагматический аспект анализа языка СМИ.// Язык СМИ. – М.: Академический проект, 2008. -С . 221.

¹⁹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –Б. 69-70.

²⁰ Добросклонская Т. Г. Вопросы изучения медиа текстов: Опыт исследования современной английской медиа речи. - М.: МАКС Пресс, 2000. - С. 32.

²¹ Радиожурналистика: Учебник / Под. ред. А.А. Шереля. – М.: Издательство Московского университета, 2000. -С.30.

²² Зильберт Б. А. Социолнгвистическое исследование текстов радио, телевидения, газеты. - Саратов: Издательство Саратовского университета, 1986. -С. 83.

масалалар ўз ечимини топгани йўқ. Бу эса мазкур муаммо бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири эканлигини кўрсатади.

1.3-бўлимида “ОАВ тилининг шаклланишида лингвистик омилларнинг ўрни” таҳлил қилинди. ОАВда тил воситаларини танлаш, мослаштириш ва ишлатишни ўрганишда ҳар бир оммавий коммуникациянинг характерли прагматик таъсири имконидан келиб чиққан ҳолда, уни аниқлаш ва такомиллаштириш талаб этилади. Тилдаги жараёнларнинг тўхтовсиз давом этишида ОАВнинг аҳамияти беқиёс. Масс-медиаларнинг тилнинг ички миқёсидаги таъсирини ўрганиш ОАВнинг бир лисоний-маданий доирада тилнинг қўлланишига таъсирини тадқиқ этишга асосланган²³.

Масс-медиалар бошлаб берган тил жараёнлари ҳақида сўз кетганда, энг аввало, қуйидаги хусусиятларга: аниқ услубий чегараларнинг барҳам топиши тенденцияси мавжудлиги; медианутқнинг янгиликлар, ахборий аналитика, шарҳ каби асосий матнларида сўзлашув услуби меъёрларининг кенг қўлланиши; нотўғри нутқ кўринишларининг оммалашуви (нотўғри урғу, грамматик хатолар, нотўғри бирикишлар ва ҳ.к.); ОАВда номеъёрий ва қуйи қатламдаги лексик бирликларни ишлатиш ҳисобига нутқий меъёрийлик савиясининг пасайиши кабиларга эътиборни қаратиш ўринлидир.

Бугунги кунда “ОАВ тили” тушунчасининг уч хил маънода қўлланилиши кузатилади:

ОАВ тили – ОАВ яратган ва тарқатган барча турдаги матнлар мажмуи; барқарор тилнинг ички системаси. У ўзига хос лисоний-услубий хусусият ва белгиларни ўз ичига олади;

ОАВнинг ҳар бирига мос вербал ва аудиовизуал қисмларнинг мутаносиблигидан иборат алоҳида қоришма - белгилар системаси;

Кейинги ОАВ тавсифида тил алоҳида белгилар системаси ва улар нутқий коммуникация кўринишидаги одамлараро мулоқот асоси сифатида қайд этилади.

Профессор Ю.В.Рожественский ОАВ тилининг муҳим ижтимоий-лисоний аспектларини аниқлаб қуйидаги белгиларини эътироф этади: “Оммавий ахборот глобал матн бўлиб, у ўзида турли ижтимоий нутқий таркибга эга лисоний жамоаларни мужассам этган”²⁴.

М.Н.Володина ОАВ тилига қуйидагича таъриф беради: “ОАВ тили деганда бизнинг атроф-воқеликни қандай қабул қилишимизни белгиловчи ўз ифодалаш шаклларида эга бўлган ижтимоий интеракцияларнинг алоҳида тили тушуниладики, улар янги маъноларни юзага келтириб, алоҳида “воқеликнинг информатив қурилмаларини” (ҳам вербал, ҳам визуал жиҳатдан) конструкциялайди. У ҳам ҳужжатлилиқка интилиш, ҳам реал воқелик билан аниқланиши, ҳам виртуал характерга эга бўлиши мумкин”²⁵.

²³ См: Доброслонская Т. Г. Вопросы изучения медиатекстов. Опыт исследования современной английской медиаречи. – М., 2005.

²⁴ Рожественский Ю. В. Теория риторики. – М., 1997.

²⁵ Володина М. Н. Язык СМИ – особый язык социального взаимодействия. Ч 2. –М., 2004. С.38.

П.Қодировнинг таъкидлашича, ОАВ тилида “жонли сўзлашув тили билан мумтоз адабий тилимизнинг бадиий нафис сўз санъатини уйғунлаштириб, халқ оммаси учун тушунарли умуммиллий адабий тил” пайдо бўлади, шаклланади ва ривожланади²⁶.

“ОАВ тили” тушунчаси замонавий мазмуни, ички таркиби худди ана шундай таъриф ва тавсифлар доирасида шаклланди. ОАВ тили таълимотининг назарий асосини тилнинг оммавий коммуникация соҳасида қўлланишига доир доимий масалаларни системали ўрганиш ташкил этади.

1.4-бўлимида “ОАВ тилининг функционал-коммуникатив, услубий хусусиятлари” кўриб чиқилди. Тадқиқотчилар ОАВнинг стилистик мавкеи хусусида ҳозирги пайтгача ягона фикрга кела олмаган. Оммавий мулоқот тилининг стилистик моҳиятини таърифлаш ва талқин этишда бир-биридан кескин равишда фарқ қилувчи турли хил ёндашувлар мавжуд.

Публицистика жамиятнинг сиёсий-мафкуравий соҳасига хизмат қилади. Даставвал ушбу услубнинг асосий функцияси сифатида тилнинг таъсир этиш хусусияти эътироф қилинади. Лекин бугунги кунда ахборотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўлаётирмиз. Замонавий публицистик услубда тилнинг икки тенг ҳуқуқли вазифаси кўзга ташланади: ахборот бериш ва таъсир этиш. Шунинг учун функционал услубшуносликда публицистик услубнинг публицистик ва информацион услуб ҳосил қилувчи омилларнинг дихотомиясига алоҳида эътибор берилади. Услубнинг ўзи эса, бирмунча тўлиқроқ таърифи – оммавий коммуникация услуги сифатида ўрганилади.

Оммавий мулоқот услубдан холи равишда намоён бўлувчи ҳодиса сифатида тавсифланади. Унда адабий тилнинг барча турдаги функционал услублари ўз ифодасини топган. Хусусан, оммавий мулоқотга М.Н.Кожина “фавқулудда хилма-хилликка бой ҳодиса ва у барча функционал услублар орқали намоён бўлади”, - дея таъриф берган²⁷.

Оммавий мулоқотда функционал услублар соф ҳолда эмас, балки бир оз ўзгартирилган ҳолда ўзлигини намоён қилади.

Газета, радио ва телевидение тилида публицистик услуб деб аталувчи соҳа борлиги эътироф этилади. Ушбу услуб белгилари турли тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинган. Масалан, М.Н.Кожина публицистик услубни ўзига хос газета жанрларининг – интервью, корреспонденция, бош мақола, ички ва ташқи воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотлар мажмуи дея таърифласа²⁸, Д.Н.Шмелёв ахборий хабарлар публицистик услубга хос эмас, деб таъкидлайди²⁹.

Функционал стилистика услублар системасини улардаги тил вазифаларининг қўлланилиши, муайян бир услуб доирасидаги матнларни ўрганса, коммуникатив стилистика дискурсни, муаллиф томонидан қабул

²⁶ Қодиров П. Тил ва эл. Шарқ юлдузи. –Тошкент, 2003. № 32.

²⁷ Кожина М.Н. Стилистика русского языка. - М.: Просвещение, 1993. –С. 224.

²⁸ Там же.

²⁹ Шмелёв Д. Н. Синтаксическая членимость высказывания в современном русском языке. – М.: Наука, 1977. – С.148.

қилувчига аниқ йўналтирилган мулоқот ҳамда коммуникатив вазият доирасидаги матнларни таҳлил қилади.

Н.И.Клушина функционал услуб ва дискурсни нутққа тегишли деб ҳисоблайди. У тил вазифаларини ўрганишнинг икки хил: системали ва коммуникатив кўринишдаги ёндашувларини қамраб олган бир тартибдаги лингвистик терминлардир. Шунга кўра, услуб ва дискурс турли услубий ўлчовларнинг асосий негизи ҳисобланади. Услуб – функционал, дискурс эса коммуникатив услубшуносликнинг асосий тушунчаларидир³⁰.

Функционал услубшуносликда услубларни ўрганишда системали ёндашув етакчи омил вазифасини бажариб, матнлар адабий тил кўринишининг юқори яруси сифатида қаралган бўлса, коммуникатив услубшуносликда матн мулоқотнинг мақсади ва маҳсулоти, аниқ йўналтирилган нутқий асар сифатида ўрганилади. Коммуникатив вазият доирасидаги матнлар эса дискурсдир. Шундай қилиб, функционал услубшуносликда адабий тилдан фойдаланиш даражаси унинг ижтимоий мулоқотнинг муайян бир соҳаларида бажараётган вазифасидан келиб чиқади.

1.5-бўлимида “ОАВ тилида миллийлик” ўрганиб чиқилди. ОАВ орқали миллий тилда миллатлараро ҳислатлар шаклланади.

Тил хулқи ва ўзбек менталитетининг нисбати ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, мазкур бўлим ОАВда коммуникатив жараёнлар ва уларда ишлатиладиган тил ибораларининг халқ менталитети билан боғлиқлигини тадқиқ қиладиган лингвомаданиятшунослик принципларига асосланади. Турли миллатларда менталитет ва маданий анъаналарга кўра, сўз ва иборалар мулоқот мақсади ва ҳолатига қараб турлича қўлланилади, тушунилади ва коммуникатив мақсадга йўналганлик ноанъанавий тарзда англашилади. Бундан ташқари, муайян мамлакат, географик ҳудудга қараб аудиторияни ҳам ҳисобга олиш лозим. Турли миллат вакиллари билан мулоқотда ишотлаш ва ишонтиришнинг ўзига хосликлари бор.

Миллий қадриятлар бу – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндисидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, авлоди, ижтимоий қатлами, миллий онги, тили, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ. Бизнинг миллий қадриятларимиз туғилган макон ва она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада мулозамат, ҳаё андиша қабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади. Бу эса ўз навбатида, ОАВ тилида намоён бўлади. Масалан: *“Кексаларимиз дуога қўл очар экан, албатта, тани-соғликни сўрашади”, “Ҳар уйнинг устун, нури бор бўлсин”* (ТВ. “Ассалом, Ўзбекистон” 10.08.10).

Бугун ўзгариб бораётган қадриятлар, маънавий қараши ҳамда маданий қиёфасини йўқотиб бораётган дунёда миллийлик тушунчаси ва миллий қадриятларни сингдириш ОАВнинг зиммасидадир.

³⁰ См: Клушина Н. И. Стилистика публицистического текста. – М.: Медиа Мир, 2008 .

Диссертациянинг 2-боби “Газета тилининг соcio-психоллингвистик асослари, экспрессивлиги ва нутқий-маданий баҳоси” деб номланади, у икки бўлимдан иборат. 2.1-бўлими “Замонавий газета тилининг соcio-психоллингвистик аспекти” деб аталиб, унда газета тили хусусиятлари таҳлил қилинди.

ОАВ ичида газета – янги сўз, ибора, бирикмаларнинг энг сезгир кўзгусидир. Газета-публицистик услубининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бунда специфик, кўп жиҳатдан фақат шу услубга хос бўлган лексик воситалар фондини шакллантиришга интилиш кузатилади.

Ижтимоий-сиёсий лексика соҳасида неологизмларнинг шаклланишига хос семантик жараёнлар учун метафоризация жараёни устивор саналади. Бу эса экспрессивлик, тил воситаларининг кўргазмали бўлиши, тил услубларини “тежаш”га интилиш борасидаги бир неча тенденциянинг комплекс таъсири билан асосланган³¹.

Ижтимоий ҳаётдаги қатор ижобий ўзгаришлар (масалан, сўз эркинлигининг эълон қилиниши, цензуранинг бекор қилиниши, фикрлардаги плюрализм ва б.) ҳам газета тилидаги стилистик воситалар қатламининг қайта жойлашишига сабаб бўлади. Газета лексикасининг бир неча қатламини ажратиб кўрсатиш мумкин. Концептуал (ғоявий) лексиканинг мағзи, аввало, ижтимоий-сиёсий лексика қатламидан иборат³².

Газета тилининг асосий хусусиятлари унинг асосий вазифалари билан боғлиқдир. Газета лексикасида ҳозирги пайтда инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари, диний ва ахлоқий қадриятлар, тасаввуфга оид сўзларни ишлатиш анча кенгайди: *рамазон, ҳайит, Қурбон ҳайити, қурбонлик, сўфизм, нақшбандия, тоат-ибодат, жума намози* ва ҳ.к.

Миллий ўзликни англаш, миллий менталитет, миллий қадриятлар, миллийлик, қадрият, миллий маданият каби сўз ва иборалар матбуот саҳифаларида фаоллашди.

Ўрни билан терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ: *терроризм, ислом фундаментализми, диний фанатизм, мессионерлик, диний экстремизм* ва ҳ.к. каби бирликлар қўлланилмоқда. Газета тилидаги бундай ўзгаришлар адабий тилнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Замонавий газета тилининг ўзига хос жиҳати икки тенденция – экспрессивликка интилиш ва стандартга мойилликдан иборат. Таъсирчанлик функцияси – газета-публицистик услуби учун энг муҳим вазифа саналади.

Публицистик матнни яратишда ишонтириш эҳтиёжи керакли семантик ва стилистик захираларни жалб этишни тақозо этади. Масалан, баҳолаш орқали ишонтириш, матндаги стилистик оҳангнинг адресатга таъсири ва ундаги асосий ғояни талқин этиш услуби кабилар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, “*Юртбошимиз билан бўлган ушбу илк учрашув ҳаётимизда ўчмас*

³¹ Бантышева Л.Л. Общественно-политическая лексика начала XX века: традиции изучения. Политическая лингвистика. - Выпуск (1) 21. - Екатеринбург, 2007. - С. 13-18.

³² Барқарор тилшунослик анъанасига мувофиқ равишда биз терминология эмас, балки ижтимоий-сиёсий лексика ҳақида сўз юритамиз.

из қолдирди. У зотнинг **камтарлиги**, инсонга бўлган **эътибори**, **гоят меҳрибонлиги** ўшанда мени ҳайратда қолдирган. Шу кундан бошлаб Президентимизнинг **буюк келажак**, Ватанимизнинг **ёруғ истиқболи** ҳақидаги **ҳаётбахш сўзлари**, бу йўлда олиб бораётган **дадил қатъий сиёсати** ва кўлами ҳаётимнинг мазмунига айланди” (“Хуррият”. 5.12.07).

Газета матнларида коммуникатив мулоқот меъёрлари лисоний прагматика доирасида ҳамжихатлик ва хушмуомалалик принциплари сифатида намоён бўлади. Коммуникатив меъёрлар билан бир қаторда матбуот матнларида этик (ахлоқий) меъёрларни ҳам ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Матбуот саҳифаларидаги ахлоқий муаммолар коммуникантларнинг нутқий хатти-ҳаракатидаги одатларнинг устуворлиги, публицистик дискурсадаги ахлоқий концептлар мазмунининг ёритилиши билан боғлиқ³³.

Рус тадқиқотчилари газета саҳифаларида ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ муаммоларни ёритишда икки тенденцияни ажратиб кўрсатади. Булар: а) тилнинг коммуникатив қўлланилишидаги ахлоқий талаблар, яъни адресатнинг нутқий хулқи муаммолари (бу қуйидаги концептларда ўз ифодасини топади: *сохталик, адресат онгини манипуляция қилиш, безбетлик, қўполлик, беҳаёлик, зўравонлик, қўрқув, ўлим, шаҳвоний ҳирс, ижтимоий тубанлик* каби сўзларнинг – жаргонларнинг матбуот саҳифаларини босиб кетиши); б) замонга хос ахлоқий зиддият ва муаммоларнинг тилдаги инъикоси (яъни муайян лексик қатламга тегишли сўзларнинг кўп қўлланилиши, сўзлар бирикувчанлигининг ортиши, сўз яшаш, метафоризациялаш жараёнлари ва б.³⁴

Ўзбек газета тилини тадқиқ қилишда ОАВ тилининг миллийлик хусусиятларидан келиб чиқиб, биз учинчи тенденцияни қўшишни лозим топдик. Бунда асосий этик концептларнинг қўлланиши: *Ватан, ватанпарварлик, эзгулик, инсонийлик, муҳаббат, адолат, меҳр-оқибат, одамийлик, тарбия, иймон, инсоф, ота-она, садоқат, поклик* ва б.

2.2-бўлимида “Замонавий газета тилининг экспрессивлиги: тенденциялари ва уларнинг нутқий-маданий баҳоси” масалалари кўриб чиқилди. Экспрессив мақсадларда сўзлашувга оид сўз ва иборалардан газета матнларида фойдаланиш янгилик эмас ва бунга (вульгаризмлар ва ноцензуравий иборалар бундан мустасно) ҳеч қандай эътироз билдирилмайди. Буларнинг барчаси газета матнини экспрессияловчи (баҳоловчи, “интимлаштирувчи”, хиссийликни кучайтирувчи) “қонуний” воситалар сифатида намоён бўлади³⁵. Россия газета тили тадқиқотчиларининг фикрича, замонавий газета тилидаги ортиқча экспрессивликка лексик жихатдан, айниқса, сўзлашувга оид жаргон сўз ва ибораларни киритиш орқали эришилади.

³³ Қаранг: *Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби* муаммолари. –Т., 2007.

³⁴ См: Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Язык печати evartist.narod.ru/text12/15.htm.

³⁵ Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Часть 2. М.: Издательство Московского университета, 2004. –С. 285.

Экспрессивликни оширишда жаргонлардан фойдаланишда тилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати туғилади. Ўзбек тилидан фойдаланувчилар учун жаргонларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, лекин салбий ҳолатларни беришда улардан меъёрида фойдаланиш мумкин.

Замонавий газетада экспрессив контекстлар яратишда охириги пайтларда окказионал сўз яшаш, перифраза, турли стилистик бўёқдорликка эга бўлган сўзларни сукиштириш, троп ва фигураларни, фразеологик иборанинг трансформацияси, турли хилдаги сўз ўйинлари ва б. қўлланилади. Масалан: антитеза: *“Дард ва сабр уммонидagi одамлар”*; *“Сароб ортидаги бахт...”* (“Туркистон”. 3.02.10); градация: *“Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда, онгимизда!”* (“Маърифат”, 06.08.05); риторик сўроқ, риторик ундов: *“Бодом гуллади. Сен баҳорни соғинмадингму?”* (“Туркистон”. 17.08.10).

Газета матнларидаги экспрессивлик бадий услубдаги экспрессивликни ифодалашга хизмат қилувчи бадий матнлардан шуниси билан фарқ қиладики, улар фақат бадий услубдагидек метафора, ўхшатиш, эпитетлардан иборат бўлмайди, балки газета матнларида барча лисоний воситалар экспрессивликка хизмат қилади. Ҳатто аниқ, хотиржам, босиқ ва равон шаклларда келтирилган исбот-далиллар ҳам шундай шаклларда берилиши билан таъсирчан бўла олади.

Газета тили публицистика услубига хос экспрессивлик, ифодалилиқ, образлилиқ билан чекланиб қолмайди. Бу матбуот нутқидаги ифодалилиқнинг бир кўриниши, холос. Тасвирий воситаларни қўллаш матбуот тили, жанр хусусиятларига боғлиқдир. Улар тилда стандартлилиқдан чекинишга ва матбуот тилини таъсирли қилишга ёрдам беради.

Таъсирчанликка эришиш ва унинг кучини оширишда сарлавҳалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда газета сарлавҳаларининг таъсирчанлигини ошириш учун прецедент матнлардан фойдаланиш удум бўлмоқда.

Баҳолаш билан экспрессивлик (таъсирчанлик) ўхшаш тушунчалар эмас, лекин бир-бири билан чамбарчас боғланган тушунчалардир.³⁶

ОАВда экспрессивлик ҳар-хил воситалар орқали ифодаланади: Сўзлар ёрдамида: “Бу одамзотнинг болаликдан елиб-югуриб етиб олгани ўспиринлик куч-қуввати, *жўшқин* ҳис-туйғулари жунбушга келган даври ёшлиқдир” (“Маърифат”. 12.12.07). Ушбу гапда “*жўшқин*” сифати орқали субъектив баҳо муносабати ҳам ифодаланган. (“Инсон ва қонун”. 11.01.11); “*Қадрли газетхон! Азиз замондош!*” (“Инсон ва қонун” 03.02. 11).

ОАВда баҳо муносабати мураккаб кўринишда юзага чиқади. ОАВда баҳолаш ҳолати – мураккаб кўринишдир. Бир томондан, у референт ҳолатини, яъни миллий тилнинг инсон онгида муҳрланган ҳамда бир типдаги таркибий қисмлар орқали юзага келтирган воқелик парчаларини ўз ичига олади. Баҳолашни ўрганишда коммуникатив нуқтаи назар (аспект) тилдаги

³⁶ Клушина Н. И. Публицистический текст в прагматическом аспекте // Язык массовой и межличностной коммуникации. – М.: Медиа Мир, 2007. – С.75.

баҳолаш воситаларининг аҳамиятини, сўзловчининг мақтов, масхара, таҳдид каби мақсадларини ўрганишни олдиндан белгилаб беради. Масалан, *“Шу пайт таниқли шоирнинг оддий, самимий, қалби очик, беғубор инсон эканлигини сездик”* (“Хуррият”. 27.06.09).

Баҳо бериш ҳолати бевосита субъект, объект ва улар орасидаги ўзаро муносабат орқали юзага келади: *“Оппоқ сувоқлари ёгин-сочинларда уникқан уйлари ёнида, Зухра эккан анвойи гулу райхонлар ял-ял яшнаб турар, теварак-атрофга муаттар ҳидлар тараларди”* (“Туркистон”. 17.01.09). Газета саҳифаларида ижобий баҳо билан бирга, салбий баҳо ҳам берилади.

Газета тилидаги экспрессив тил воситаларини нутқий-маданий аспектда тадқиқ этиш зарур. Кўпчилик ҳолларда экспрессивликни ошириш мақсадида хатоликка йўл қўйилаётганини кузатиш мумкин. Масалан: *“Соглиқни қилсанг ҳавас, Оз овқат еб, айла бас. Меъёрдан ортиқча ейилган овқат ортиқча калория ва оғирлик ҳосил қилади”* (“Хуррият”. 24.04.06); *“Сангтўда ГЭС-1 қурилишида юқоридаги каби қинғирликлар ҳолатлари кўп қайд этилган бўлса-да, “қўл синса енг ичида” қабилда иш кўрилди”*.

Газета тилининг таъсирчанлигини ошириш ниятида тилдан нотўғри фойдаланиш оқибатида нутқ маданиятига тўғри келмайдиган сўз ва ибораларни қўллаш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бундай хатоларнинг олдини олишнинг ягона йўли – журналистларнинг нутқий маданияти ва тажрибасини оширишдан иборат.

Диссертациянинг 3-боби *“Электрон ОАВ тилининг хусусиялари, экспрессивлиги ва нутқий-маданий баҳоси”* деб номланган. 3.1.-бўлимида *“Замонавий телевидение тилининг асосий хусусиятлари”* кўриб чиқилган.

Телевидение – оммавий коммуникациянинг аудиовизуал воситаси сифатида юзага келади, у янграётган нутқ ва кўз ўнгимизда намоён бўлаётган образни бирлаштиради. Телевизион дискурс бу комплекс системадир, у ўзида турлича параметрларни тилнинг ўзига хос хусусиятлари, услублар ва мавзуларнинг ўзига хослиги, жанрлар хилма-хиллигини бирлаштиради³⁷. “Теленутқ оммавий коммуникатив нутқнинг кўриниши сифатида аҳамиятга молик, унинг асосий конструктив принципи телевидениеда маълумотни узатишдаги уч сатҳнинг боғлиқлиги билан белгиланади (тасвир–овоз–нутқ)”³⁸. Тасвир–овоз–нутқ учлиги ҳам ўзига хос мураккаб комплекс системадир, унинг ҳар бир элементи журналист ва аудитория ўртасида максимал даражадаги самарали коммуникацияни таъминлашга қаратилган.

Телекўрсатувларнинг икки–тайёрланган ва тайёрланмаган типи ажратилади. Тайёр нутқда олдиндан танлаб олинган лексик ва фразеологик воситалардан фойдаланилади. Бу норматив грамматиканинг барча талабларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Тайёр нутқда асосан фонетик меъёрларнинг бузилиш ҳолларини камдан-кам кузатиш мумкин.

³⁷ Александрова О.В. Язык средств массовой информации как часть коллективного пространства общества. evartist.narod.ru/text12/07.htm

³⁸ Светлана С.В. Телевизионная речь: функции и структура. –М.: Издательство Саратовского университета, 1976. - С.33.

Теленутқнинг тасодифийлиги ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш зарурки, сўзловчи телечиқишнинг муайян режасига эга бўлган, ўз фикр-мулоҳазалари мавзусини олдиндан яхши билган ҳолда ўз нутқини шакллантиради: тасодифийлик нутқнинг маълумот бериш пайтида шаклланадиган хусусияти сифатида биз “тайёрланмаган нутқ” деб биладиган тушунчага тўғри келади.

Тасодифий нутқ коммуникация онда юзага келади, у олдиндан тайёрлаб қўйилмайди. Тайёрланмаган нутқда кўпинча тайёрланган нутқнинг акси юз беради. Бунда нутқий хатоликларга йўл қўйилиши, тавтология ва ҳ.к. кузатилади. Масалан: *“Бир аср умр кўриб, юздан ошган кишилар юртимизда эмас, балки айниқса тоғли қишлоқларда кўплаб топилади”* (ТВ. “Ўзбекистон”. 4.12.05).

Янграётган теленутқ тадқиқотчилари қуйидаги нутқ типлари ва оппозицияларни ажратиб кўрсатади: а) монологик - диалогик; б) тайёрланган - тасодифий (тайёрланган матнга суянишдан келиб чиққан ҳолда); в) пухта – эркин; г) кадрдаги нутқ – кадр ортидаги нутқ. Фикрнинг просодик кўринишини яратишда нутқ типи катта аҳамият касб этади. Ҳозирги замон телевидение тили ҳақида тўхталганда, телебошловчи нутқнинг просодик характеристикаси таҳлилида, телеобраз яратаётганда тасвир воситаларини танлашда замонавий телевизион нутқнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиши зарур: интимизация; диалогизация; индивидуализация; тагматн(подтекст)нинг мавжудлиги.

Телевидение нутқий спецификасини ўрганишнинг долзарблиги, аввало, амалиёт талабларидан келиб чиқади. Журналист телевидение орқали янграётган сўзнинг хусусиятларини ўрганиши лозим, чунки бу унга ўз ижодий имкониятларини ўстириш, касбининг илмий асосларини билиш, нотиклик санъатини эгаллаш ва нутқда адабий тил меъёрларига риоя қилиш имконини беради.

3.2-бўлимида “Радио тилининг хусусиятлари” масалалари кўриб чиқилди. Радио тилини ўрганишга бағишланган лингвистик тадқиқотлар умуммиллий тилнинг радио тили кўринишида, радио тилининг радионутқ сифатида намоён бўлиши каби йўналишларда олиб борилган. Радионутқнинг мавқеи унинг қўлланадиган доираси билан белгиланади. Ошкора нутқ шароитида амалга оширилувчи радионутқ радиоэфирда кодлаштирилган адабий тил ва сўзлашув нутқи воситаларини қўллашга имкон берувчи шароитларга эга. Радионутқ ҳам бу системага хос лисоний белгиларни ўзида мужассам этган ва улар орасидан жой олган.

Радиоматн ҳар қандай матнга хос белгиларга эга. У: 1) лисоний бўлмаган борлиққа тааллуқли; 2) мазмунан тугалланган; 3) муайян оҳангли; 4) коммуникатив мақсадга йўналтирилган; 5) тингловчилар аудиториясига мўлжалланган; 6) лисоний, таркибий ва композицион тузилишга ҳамда бирор жанрга хос бўлади.

Радиоода коммуникантларнинг икки хил миқёсда ўзаро фикр алмашиш имконияти мавжуд: бирида – очиқ, ошкора; иккинчисида – яширин, хуфёна

мулоқотдир³⁹. Ошкора мулоқот оммавий аудитория кўз ўнгида амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда мулоқот вербал миқёсда, фақат бир коммуникант – ахборот етказувчи томонидан содир этилади.

Радио тили бошқа ОАВ каби ягона ўзбек адабий тили воситаларидан фойдаланади ва у ўзига хос лисоний хусусиятларга эга. Бизнинг тадқиқотимиз радио тилини ўрганишда асосан уч хил лисоний ёндашувда олиб борилди: 1) меъёрий ёндашув; 2) коммуникатив ёндашув; 3) этик ёндашув. Бундан ташқари функционал-стилистик ёндашувга ҳам қайсидир жиҳатдан эътибор қаратилган.

Меъёрий ёндашувда радионутқ анъанавий тилшунослик ва адабий тил меъёрлари нуктаи назаридан ўрганилади. Радионутқнинг функционал-стилистик талқинида публицистик услубнинг умумий ва хусусий белгилари борасида фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Оғзаки ошкора коммуникациядаги фатик нутқ ўзбекча сўзлашув учун янги ҳодиса. У тижорий радиоэфирда қуйидаги мақсадларга хизмат қилади: 1) радиоаудитория учун реал мулоқот таассуротини уйғотиш орқали виртуал бирликни яратиш; 2) радиоузатишларни радио тингловчилари психологик ҳолатларининг бошқарувчисига айлантириш.

Радиодан айтилган сўз катта таъсир кучига эга, чунки у овозли, демак, уни талаффуз қилган пайтда сўзловчи унга ўз ҳис-туйғуларининг ошкора ифодасини топган фикр-ўйларининг бирор-бир қисмини жо этган бўлади.

Радио ва телевидениедаги орфоэпик меъёр муаммоларини ҳал қилишда кундалик нутқий амалиётдаги сўзлар талаффузи ва урғусининг жойлашиш вариантларидан воз кечиш билан чекланиб қолинмоқда. Радиоэшиттиришни лисоний-стилистик жиҳатдан ташкил этишда ранг-баранглик принципига риоя қилиш талаб этилади.

Радионутқ шароитида адабий тил қоидаларига меъёрида риоя этиш асосий коммуникатив мақсадларга эришишга ёрдам берса берадики, ҳалал бермайди ва адабий тилга бўлган азалий ҳурматни сақлаб қолишга хизмат қилади.

3.3-бўлимда “Электрон ОАВда экспрессивлик: тенденциялари ва нутқий-маданий баҳоси” масалалари кўриб чиқилган.

Телевидение ва радиода экспрессивлик ҳақида гапирилганда уларнинг тил спецификасига эътибор қаратилиши лозим. Экспрессивлик теле-радионинг жанр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу эса кўрсатув ёки эшиттириш йўналишига боғлиқ.

Экспрессивлик, эмоционаллик ҳамда баҳо бериш радио ва телевидениенинг асосий белгилари ҳисобланади. Газетага қараганда телевидение ва радиода экспрессивлик асосан интонация орқали амалга оширилади. Ундов сўзлар ёрдамида ҳиссиётлар объектив воқелик аксининг ифодаси сифатида, эмоционал бўёқдорликка эришиш мақсадида қўлланилади

³⁹ Радиовещание. История и использование в информационных технологиях. www.techconversation.ru

Радиомуаллиф нуткидаги ёркин метафора, кутилмаган ўхшатишлар уни осон қабул қилиш ва эслаб қолишга ёрдам беради. Лекин уларни суистеъмол қилиш ҳам ярамайди. Бунда ҳам меъёр зарур. Акс ҳолда, бу тингловчи онгида баён этилаётган маълумотлар ҳақида аслига қараганда унчалик тўғри бўлмаган ёки умуман нотўғри тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Экспрессивлик троплардан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади. Масалан, метафора орқали: *“Дунё кенг, унинг манзаралари-да турфа хил. Башарият тарихининг энг кўҳна ҳикояларини ўз бағрида сақлаган обидалар, неча-неча асрлардан буён кўксини кериб турган баҳодирдек али тоғлар, шовуллаб қўшиқлар куйлаётган дарёю денгизлар оламнинг энг гўзал мўъжизаларидир”* (ТВ. Ўзбекистон. 3.06.08).

Радио ва телевидениеда кўпчилик ҳолларда шеъриятдан, мақол, матал, хикматли сўзлардан фойдаланиш орқали ифодалиликини ошириш кузатилади.

Масалан, *“Асаблар, асаблар, асаблар, беҳуда сочилган газаблар. Ушбу сатрлар кўпчиликка яхши таниш. Ҳозир шеърият ҳақида эмас, асабийлашишининг зарари ҳақида фикр юритмоқчимиз”* (ТВ. Ўзбекистон. 18.01.09).

Нутқий этикет формулалари ва шеърий мисраларни қўллаш орқали ифодалаликка эришишга ҳаракат қилинади.

Иборалар қўлланилиши маълумотнинг экспрессивлигини оширмаслиги ҳам мумкин: *“...инқирозни бошдан кечираётган Грецияга ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишувга эришдилар”* (Р. Пойтахт. 16.02.10).

Нутқ оқимининг темпи, кучи, тембри (овознинг ширалилиги), интервалларнинг катталиги ушбу омиллар ва фонетик усулларнинг хилма-хил тарзда қўлланилиши, радионутқдаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг характеристикаси тингловчилар томонидан ички ҳолатни ифодаловчи воситалар сифатида баҳоланади.

Экспрессивликни ошириш мақсадида такрорларга мурожат қилинади ва асосий урғу ана шу такрорларга тушади. Масалан, *“Ҳар бир инсоннинг дунёқараши ҳар-хил бўлади. Ва дунёқарашига қараб қизиқишлар ҳам ҳар-хил / турли хил бўлади”* (ТВ. Ўзбекистон. 12.08.08).

Радиоэшиттириш жанрларида стилистик ва экспрессив-эмоционал бўёқдорлигига кўра бир-бирига қарама-қарши бўлган элементлар бетакрор ифода бирлигини ташкил қилади.

Теле-радио публицистиканинг экспрессивлиги, ифодалилиги образлигидангина иборат эмас ва бу билан чекланмайди. Бу теле-радио-публицистик нутқнинг эҳтимолий компонентларидан, унинг ифодалилиги омилларидан биридир.

Диссертациянинг 4-боби “ОАВ тилида нутқ маданияти тадқиқининг замонавий концепцияси” деб номланади. 4.1-бўлими “Маданият, тил, нутқ тушунчалари талқини ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик” деб номланади.

Тил ва маданият феноменларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги масалани ўрганиш, кўп ҳолатларда мураккаб, кўпқиррали, кўп қиёфали ижтимоий ҳодисалар сирасига кирувчи маданият тушунчасининг аниқ

таърифи йўқлиги сабабли қийинлашган. “Маданият ижтимоий ҳодиса сифатида муайян одамлар жамоаси томонидан тўпланган ва тўпланиб келинаётган моддий-маънавий қадриятлар мажмуи, жамоа ижтимоий фаоллиги маҳсули: у тарихий генезисга эга ва алоҳида шахснинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди”⁴⁰.

“Тил маданиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди. У ижтимоий мерос қилиб олинган ҳаёт тарзимизни белгиловчи амалий кўриниш ва ғоялар тўплами”дан иборат эканлиги Ф. Хумбольдт томонидан қайта-қайта таъкидлаб ўтилган⁴¹.

Тил кишиларнинг жамиятдаги муносабатлари ҳамда маънавий ва моддий ишлаб чиқариш жараёнлари билан ўзаро боғлиқ, шу билан бирга, нисбатан мустақилдир. Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – мулоҳазаларнинг турли бирликларга – сўзлар, сўз бирикмалари, морфема ва шунга ўхшашларга бўлинишидир.

Тил жамиятга нисбатан олиб қараганда, ўзига хос функцияни бажаради ва бу нутқ фаолиятида ўз аксини топади. Булар: 1) коммуникатив функция; 2) фикрни ифодалаш функцияси; 3) сўзловчининг ички ҳолатини ифодалаш функцияси ёки экспрессив функция; 4) тил воситалари орқали “Тил-нутқ” тушунчаларининг ўзаро муносабатига олимлар алоҳида аҳамият бериб келган. Нутқ – мустақил фаолият, у орқали тил ўзлигини тўлиқ намоён этади. Нутқ – мулоқот ва унда жамиятнинг муайян қатламга тегишли маданияти ҳам қандайдир даражада ўз аксини топади.

“Нутқ” тушунчаси учун нутқ фаолиятининг таърифи катта аҳамиятга эга, чунки ушбу фаолият жараёнида тил системаси шаклланиб, ҳаракатга келади. Нутқ сўзловчи ақл-заковати ва иродасининг шахсий ҳаракати сифатида, бир томондан, ўз фикрини билдириш мақсадида, сўзловчи томонидан тил кодининг ишлатилиши билан амалга ошириладиган усулларни, иккинчи томондан эса, уларни объективлаштиришга ёрдам қиладиган психофизик жараёнларни тақозо этади.

Тил воситаларидан нутқ фаолиятида фойдаланишда жамият томонидан ўрнатилган муайян ижтимоий, аниқроғи, маърифий ва маданий меъёрларга риоя қилиш талаб этилади. Улардан чекиниш тил эгалари томонидан ҳар доим ҳам маъқулланавермаган.

Меъёр бор жойда доимо маданият бўлган. Тил ва нутқдаги меъёрийлик тил назарияси ва амалиётида лисоний маданият, тўғрироғи, тил ва нутқ маданияти деб аталган. Булар тилшуносликдагина эмас, лингводидактикада ҳам долзарб ва ҳануз тўлиқ ўрганилмаган соҳалардан бўлиб қолмоқда.

Бобнинг 4.2-бўлими “Тилшуносликда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси” деб номланади. Фанга илк бор *нутқ маданияти* истилоҳини киритган таниқли рус олими Г. О. Винокур фикрича, сўзловчининг маданияти унинг *лисоний диди* билан белгиланади. Тил

⁴⁰Верещагин Е.М., Костомаров Г. Язык и культура: Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. –М.: Русский язык, 1990. –С. 18.

⁴¹ См: Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. –С. 193.

воситаларини вазиятга қараб турлича қўллаш муқаррар равишда лисоний меъёр тушунчаси билан боғланган. Умуман, меъёр маданият ва тил сингари тарихий бўлиб, ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан у ҳам ўзгаради. Унинг ушбу таърифида нутқ маданиятидаги энг асосий хусусиятлардан бўлган *коммуникативлик* ўз аксини топган⁴².

“Нутқ маданияти бу – тил воситаларини шундай танлаш ва ташкил этишки, бу мулоқот вазиятида замонавий тил меъёрларига ва мулоқот одобига риоя қилиш, шахсга ўз олдига қўйган коммуникатив масалаларни ҳал қилишда юқори самарага эришиш имконини беради”⁴³.

Азалдан оғзаки ва ёзма нутқ фаолиятидан иборат бўлган *нутқ маданиятига* бундай *муносабат* бадий адабиёт туфайли юзага келган *адабий тил* негизида шаклланган.

Миллий тилнинг бир қанча лингвистик ва экстралингвистик меъёрлари асосида тартибга солиниши натижасида адабий тилнинг юзага келиши ҳам тасодиф эмас, балки қонуниятдир. Халқ ўз она тили ва унинг олий намунаси бўлмиш адабий шакли орқали *миллий ўзлигини намоён этишига* ҳамда инсон табиатида хос ва ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайдиган *мукаммалликка* интилиши унинг лисоний фаолияти миқёсида *нутқ маданияти* тарзида намоён бўлади.

Нутқ маданияти савиясини ошириш тил тараққиётининг барча босқичларида зиёлилар эътиборини тортиб келган. Оммавий мулоқот ОАВ яратилган даврдан бошлаб яна ҳам долзарблашиб қолди. Унинг ҳал қилиниши адабий тилга тўғри муносабат, уни асраш, бойитиш, софлиги учун курашиш каби бир қанча масалалар ечими билан боғлиқдир.

Адабий тилнинг услубий тармоқларга ажралиб кетганлиги унинг яна бошқа бир муҳим хусусияти – *поливалентлилигини, полифункционаллилигини* ҳам белгилайди. Бу унинг хизмат доираси ва соҳаларининг диалект, жаргон, арго ва бошқа умумтил турларига қараганда анча кенг эканлигидан далолат беради. Зеро, «ўзбек тилининг поливалентлилиги ушбу тилнинг, ўзбек миллатининг бутун соҳаларига хизмат қилишини англатади»⁴⁴.

Нутқ маданияти ҳар қандай коммуникатив вазиятда, энг аввало, *хатосиз гапиришни* англатади. Тўғри фикрлаш, тўғри сўзлаш маданият белгиси сифатида тан олинмоқда. Хатосиз ёза олиш, яъни “имло бу – саводхонлик демак. Саводхонлик эса маданийлик белгисидир”⁴⁵.

1991 йилга келиб жаҳон тилшунослигида *нутқ маданияти турлари ҳақида янги назария* яратилди. У янгича ёндашув ва қарашлар билан бойитилди. Ундаги таснифлашнинг асосий қоидаларига кўра, миллий тилнинг ҳар бир ижтимоий-функционал турига нутқ маданиятининг муайян тури мувофиқ келади. Тадқиқотчилар томонидан замонавий нутқ маданиятининг тўрт тури аниқланган: 1) *элитар маданият* (ёки соф адабий

⁴² Винокур Г. О. Из бесед о культуре речи // Русская речь. – М., 1967. – С. 10-14.

⁴³ Граудина Л. К. Культура русской речи. – М.: НОРМА, 2003. – С. 96.

⁴⁴ Бегматов Э; Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент., 2006, – Б.30.

⁴⁵ Салимова С. Матбуот тили ва имло // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент. 2005. № 5.

тил); 2) *анъанавий-профессионал (арго)*; 3) *учинчи маданият (оддий сўзлашув)*; 4) *халқ маданияти (шева, лаҳжалар)* ⁴⁶.

Нутқ маданияти кўпмаъноли тушунча эканлигини тилшунослар тан олмоқда. Улар нутқ маданиятининг асосий вазифаси бу – адабий тил муҳофазаси, дея эътироф этмоқда.

Ҳозирда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ҳақида кўп фикр билдирилмоқда. Булар меъёрий, этик (ахлоқий), коммуникатив аспектлардир.

4.2.1-бўлими “Нутқ маданиятининг меъёрийлик аспекти талқини” деб номланади. *Меъёрийлик*, умуман олганда, универсал фалсафий категориялардан ҳисобланади. У дунёнинг асосини ташкил қилади ва «тартибсизликлар тартиби» ёки «тартиблар тартибсизлиги» сифатида намоён бўлади. Борлиқдаги бундай *меъёрийлик* муайян даражада *онгимизда*, онгимиздаги эса *тилимизда*, тилимиздаги эса *нутқимизда*, коммуникатив фаолиятимизда ўз аксини топади.

Мулоқот чоғидаги меъёрийлик *нутқ маданияти* қонун–қоидалари орқали намоён бўлади. *Нутқ* фаолиятидаги *меъёрийлик* адабий тил ва нутқ воситаларидан белгиланган лисоний қонун–қоидалар асосида ўринли фойдаланишни тақозо этади.

Нутқни маданий кўринишда баён этиш учун зарур тил воситаларини *танлаш ва қўллаш кўникмаларини* ишлаб чиқиш, уларга нисбатан *онгли муносабатни шакллантириш*, бошқача қилиб айтганда, белгиланган ўлчов, меъёрга риоя этиш талаб қилинади.

Нутқ маданиятининг асосий хусусиятларидан бўлмиш *меъёрийлик*, аввало, адабий тил миқёсида намоён бўлади. Адабий тил ўзига хос меъёрий мезонлари билан миллий тилнинг бошқа кўринишларидан ажралиб туради, бироқ *меъёр ҳодисаси*, В. А. Ицкович таъбири билан айтганда, «*тилнинг барча яшаш шакли учун хосдир*»⁴⁷. “Меъёр” сўзи арабчадан ўзлашган бўлиб “қоида, даража, ўлчовли миқдор, андоза” каби маъноларни англатади, соф ўзбекчаси *ўлчов* дейилади. Меъёр ҳозирги замон тилшунослигининг мураккаб тушунчаларидан ҳисобланади.

Меъёрийлик тил ёки нутққагина эмас, балки жамият ва ундаги барча нарсаларга хос эканлиги, унга нисбатан янгича бир ёндашувнинг, унинг *ижтимоий ҳодиса* эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарнинг юзага келишига сабаб бўлди.

А.Маматов ҳозирги замон тилшунослигида меъёр тушунчасини аниқлаш борасида бир-бирини тўлдириб, мустаҳкамлаб борувчи икки назария мавжудлигини кўрсатиб ўтади: биринчи назария – тил воситаларининг қўлланилишини тартибга солиб турадиган қонуниятлар, деб қаралса, иккинчи назария – меъёрни умумжамоа томонидан мустаҳкамланган,

⁴⁶ Толстой Н. И. Язык и культура (некоторые проблемы славянской этнолингвистики) // Русский язык и современность. Проблемы и перспективы развития русистики. -Ч. I. –М., 1991. - С. 5-22.

⁴⁷ Ицкович В. А. Языковая норма // Общее языкознание. –М., 1970. - С. 565.

барқарор тил воситаларини анъанавий амалга тадбиқ қилишнинг йиғиндисидир⁴⁸.

Адабий тилнинг меъёрийлаштирилгани ҳақида сўз юритилганда, ана шу адабий меъёрларнинг қайд этилиши назарда тутилади. Кодификациялаш тил эгаларига нисбатан қаратилган бўлади. Адабий тил меъёрлари стихияли равишда шаклланади, кодификация эса, олимлар томонидан амалга оширилади. Тил барқарор бўлиши керак, у ёзувчи учун ҳам, оддий амалдор учун ҳам тушунарли бўлмоғи лозим. “Тил қандай шаклга кирмасин, у доимо миллат индивидуал ҳаётининг руҳий ифодаси, ... унинг нафаси, руҳи” бўлиб қолади⁴⁹.

Ҳар қандай тил сиёсати тилнинг яшаши ва ривожланишига жамиятнинг онгли, мақсадли аралашувини англатади.

Адабий тилнинг барча меъёрларига амал қилиш тўғри нутқни юзага келтиради. Биз тадқиқотимиз доирасида оғзаки (радио ва телевидение) ва ёзма (газета) нутқ меъёрларини тадқиқ қилганмиз.

4.2.2-бўлимида “Нутқ маданиятининг коммуникативлик аспекти” тадқиқ қилинади. Нутқ маданиятида коммуникативлик тўғри ва мазмунли нутқ туза олиш билан боғлиқ.

Нутқнинг коммуникатив белги, сифатлари нутққа тааллуқсиз таркибий қисмларга мос ва хос бўлиб, улар мулоқот жараёнини енгиллаштиради. Ҳар қандай нутққа хос коммуникатив белги Б. Н. Головин томонидан коммуникатив актнинг бирор-бир компоненти билан ўзаро боғлиқлиги орқали асослаб берилган. Масалан, “нутқ – адресат” мутаносиблиги нутқнинг ҳаммабоплиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. “Нутқ – мулоқот шароитлари” муносабати асосида ўринлилик сифати намоён бўлади. “Нутқ – тафаккур”, “нутқ – борлиқ” мутаносиблиги нутқнинг аниқлиги ва мантиқийлигини англаш имконини беради.

Р. Қўнғуров ва Э. Бегматов нутқнинг коммуникатив сифатларини: нутқнинг тўғрилиги, тозаллиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳолатларини кўрсатиб ўтадилар⁵⁰. Мазкур таълимотдаги коммуникатив сифатлар лингвопрагматика билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши керак.

Тўғри нутқ бу замонавий адабий тил меъёрларига амал қилишдир. Нутқнинг тўғрилиги ҳақида Э. Бегматов шундай ёзади: “Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқдир”⁵¹.

Аниқлик нутқнинг тушунарли шаклланишига замин яратади. Тушунарлилик ва аниқлик белгилари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

⁴⁸Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Филол. фанлари. д-ри.... дисс. –Тошкент, 1991. –Б.168.

⁴⁹Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 2000. –С.72.

⁵⁰Қўнғуров Р, Бегматов Э, Тожиев Ё. Нутқ маданияти асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.49.

⁵¹Бегматов Э, Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари (маърузалар матни). – Тошкент , 2006. –Б. 64.

Аниқлик бу сўзнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган маъноси ҳамда унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келишидир.

Ҳар қандай матннинг муҳим коммуникатив сифатларидан яна бири бу – мантиқийликдир. Нутқнинг мантиқийлиги аниқлик ва тўғрилиқ билан чамбарчас боғлиқ. Мантиқийлик фақат лингвистик ҳодиса саналмай, балки экстралингвистик ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади. Мантиқ қонунларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, аниқлик, асослилик мантиқий тўғри нутқнинг асосий белгилари ҳисобланади. Мантиқийлик хусусияти худди аниқлик каби нутқнинг мазмунини белгилайди. Аниқлик нутқ семантикасининг матн мазмуни билан мутаносиблиги сифатида талқин этилса, мантиқийлик нутқий семантиканинг таркибини англатади. Ушбу хусусият орқали нутқдаги тил бирликларининг мазмунли боғланиши мантиқ қонунларига мувофиқлиги жиҳатидан баҳоланади.

Мантиқийлик икки гуруҳга – нарса ва тушунча мантиқийлигига бўлинади. Нарса мантиқийлиги нутқдаги тил унсурлари билан реал воқеликдаги нарса–ҳодисаларнинг мазмуний алоқаси ҳамда муносабатидир. Тушунча мантиқийлиги эса нутқда мантиқий тафаккур қурилишини ва унинг тил унсурлари маънавий алоқадорлигида ривожланишнинг акс этишидир.

Ифодалилиқ. Нутқдаги ифодалилиқ масаласи мунозарали бўлиб, кўп баҳсга сабаб бўлган. Образли фикрлаш орқали юзага келувчи образли нутқни ўз ичига олган ифодалилиқ фан соҳасида билиш, ўрганишга хизмат қилади. Масалан, илмий нутқдаги образлилиқ схематиклиги, типиклиги; умумлаштирувчан ва мавҳумлиги билан ажралиб туради.

Нутқнинг ифодалилиги тушунчаси қамровида тилнинг тасвирий воситалари, фразеологизмлардан фойдаланиш назарда тутилади. Тилнинг тасвирий воситалари матннинг эстетик руҳини ошириши билан бирга, эмоционалликни ҳам кучайтиради. Унга муҳим безаклар берувчи троп ҳамда фигураларнинг қўлланиши нутқ риторик кучининг қай даражада эканини кўрсатиб туради.

Софлик нутқнинг ноёб, зарурий хусусиятларидандир. Тил ва нутқ бузилиши лингвоэкология соҳасида чуқур ўрганилмоқда. Барча нутқ сифатларига амал қилиш нутқнинг софлигини таъминлайди.

Нутқнинг тозаллиги бу – тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир. Маданий нутқнинг софлиги фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва қўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади. Нутқнинг софлиги лексик жиҳатдан шевага хос сўз ва шаклларнинг ишлатилмаслиги, қўпол маъноли сўзлар ва жаргон, арголарга хос омма учун тушунарсиз лексикани ҳамда нутқда эҳтиёжсиз ишлатилувчи “бекорчи” сўзларни қўлламаслик билан характерланади⁵².

4.2.3-бўлимида “Нутқ маданиятининг этик аспекти талқини” деб номланган. Тўғри, маданиятли сўзлашиш нутқ этикетидаги меъёрлар

⁵² Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари (маърузалар матни). – Тошкент, 2006. –Б.76.

тўғрисидаги тасаввурни ўз ичига олади. Этикет, жумладан, нутқ одоби нутқ маданиятининг муҳим унсурларидан ҳисобланади.

“Нутқий этикет – дейилганда, сўзлашув одоби қоидаларини тартибга солувчи миллий, ўзига хос стереотиплар, жамият томонидан суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш, алоқани танланган тоналликда давом эттириш ёки тугатиш учун қабул қилган сўзлаш формулалари назарда тутилади”⁵³.

Нутқий этикет ҳар бир тилда ўзига хосдир. Бу нарса лингвистик ва ахлоқий жиҳатдан намоён бўлиши мумкин. Нутқ маданиятини билиш профессионал мулоқотнинг асосий шартидир. Нутқ маданияти кенг маънода ҳар қандай муваффақиятли мулоқотни назарда тутди.

Ҳар қандай тилдаги нутқ одоби миллий хусусиятга эга. Миллийлик фақат хулқ-атвордагина эмас, балки лисоний планда ҳам намоён бўлади. Нутқ одобига оид барча тил бирликлари **прагматик, лисоний, социолингвистик** ва **лингвокультурологик** нуқтаи назардан ўрганилади⁵⁴.

Нутқ одоби муваффақиятли мулоқот кўринишларидан биридир. Оғзаки нутққа қўйилган этикет талабларининг орасида оҳанг муҳим ўрин тутди.

Нутқ одоби талаблари ҳам фаол, ҳам нофаол лисоний амалиётнинг ажралмас қисми бўлиб, нутқ маданияти савияси (юқори ёки пастлиги) билан белгиланади.

Нутқ одоби махсус нутқ ва тил бирликларида ҳам ўз ифодасини топади, булар: *мурожаат, саломлашиш, хайрлашиш, кечирим сўраш, миннатдорчилик билдириш, илтимос, сўраш, ҳамдардлик билдириш, табрик* ва б.

Нутқ этикети доирасидаги хатти-ҳаракатлар турли ижтимоий гуруҳ вакиллариининг нутқий фаолиятида турли тил бирликларни қўллаш орқали намоён бўлади. Нутқий этикет бирликларини танлаш касбий фаолиятнинг турига ҳам боғлиқ хусусиятдир.

5-боб “ОАВ тилининг адабий тил ва нутқ маданияти системасидаги тадқиқи” деб номланади. **5.1-бўлимида “ОАВ тилида нутқ маданиятининг меъёрийлик аспекти таҳлили”** тадқиқ қилинган.

“Адабий меъёрларнинг турли бузилишларини чуқур ва объектив таҳлил этмасдан туриб юксак нутқ маданияти учун курашни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди”⁵⁵. Тилшунос олим Л. П. Крисин назариясини давом эттириб, шуни таъкидлаш лозимки, нутқ маданияти бу – адабий тил муҳофазасидир.

Мазкур бўлимда адабий тил меъёрларининг бузилиш ҳолларини ОАВ тили мисолида кўриб чиқилган.

Орфоэпик меъёр – талаффуз меъёри, акцентологик ҳамда урғу меъёрини ўз ичига қамраб олади, чунки ҳар қандай тил бирлиги муайян талаффуз ва урғу қоидаларига риоя қилган ҳолда қўлланади.

⁵³Формановская Н. И. Русский речевой этикет: лингвистический и методический аспекты. –М., 1967. - С. 160.

⁵⁴ См: Формановская Н. И. Употребление русского речевого этикета. – М.: Русский язык, 1984; Язовицкий Е. В. Говорите правильно. Эстетика речи. – Л.: Просвещение, 1969.

⁵⁵ Крисин Л. П. К типологии лексических “неправильностей”. Русский язык в национальной школе. –М., 1975. № 5. –С. 57 -65.

Талаффузда йўл қўйилган хатолар қуйидаги сабабларга кўра юзага келади: Сўзларнинг шева талаффузи ва ёзма адабий нутқ ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги сабабли: шевага хос талаффуз: “...иш воқтимиз, ҳам бўш воқтимиз ҳам...” (ТВ Ёшлар. 15.11.05.); “**Биза** нима учун шундай демоқчи эканимизни ҳозир тушунтириб...” (Р. Машъал. 12.04.06); “...**манга ...юбордила...**”, “...**ман ўзбек тилини...**” (ТВ. Ёшлар. 20.11.05) ва ҳ.к.

Ўзлашган сўз ва терминларни талаффуз қилишда она тили физиологик хусусиятларининг таъсири натижасида орфоэпик меъёрларнинг бузилиши: “**Мошина** ёқмироқ турибдими **дийманда...**” (ТВ.Марказ. 1.12.06).

Терминлар талаффузидаги хатолар: “**Шу сабабли шимолий провенсиларда (провинцияларда) махсус юк машиналарда қор ташиляпти**”; “...янги **концер(концлер)**”, “...тадбирда **инстут(институт)** ...” (ТВ. Ўзбекистон. 04.02.10) ва ҳ.к.

Теле-радиода журналист нутқини кузатишда қуйидаги фонетик хатолар кузатилди. Жумладан, товуш тушириш: “**Шоир** ҳақида айтадиган **бўсак (бўлсак)**” (Р. Пойтахт. 8.10.08); “**ё(н)гинларнинг олдини олиш...**”, “**қирқтан ортиқ ёнгин юз берган...**” (ТВ. Пойтахт. 17.02.04.); товуш алмаштириш “**тегишли ишлар (ишлар)**” (ТВ Ёшлар. 15.11.05) ва ҳ.к; ҳарфларни қўшиб талаффуз қилиш: “...**кўтариники руҳда ўтказилади...**”, (ТВ. Ёшлар. 17.11.05); товушларнинг хато талаффузи, “**Мавлоно Лутфий бир катор (қатор) асарлар яратди**” (Р. Пойтахт. 8.10.08) ва ҳ.к.; сўз ва қўшимчалар талаффузидаги хатоликлар: “**Ўзимам (ўзим ҳам) қийналиб қолишим мумкин...**”; “**Яна қанақа (қандай) қилиб..**” “**Билсими (биласизми)** бу ҳаёт жуда қизиқ экан”; “**Туркларди(ни) бир ҳаётида**”; “**Ватанди(ни) ҳимоя қилиш керак**” (Р. Ёшлар. 15.10.05) ва ҳ.к.

Пунктуацион меъёр ёзма адабий нутққа хос бўлиб, тиниш белгиларини ишлатишнинг бутун системаси ва усулларини қамраб олади. Кўп ҳолларда газета саҳифаларида имловий хатоларни кузатиш мумкин: “**Руҳларни шод этай деган қалб пок бўлиши (,) юриш – туриши, кийиниши билан ажралиб туриши керак**”, “**Келин куёвлар бу ерга улуглардан бахт – нажот тилаб келганга эмас (,) ўзларини бировл(а)рга кўргазма қилаётганга ўхшайди.**” (“Хуррият”. 24.01.07) ва ҳ.к.

Кўпчилик ҳолда ҳарф тушиб қолиши ёки ортиқча ҳарф ёзиш, тиниш белгиларини нотўғри қўлланиш ҳолларини кузатиш мумкин. Тиниш белгиларини нотўғри ишлатиш: “**Мана икиуч** кундан бери...” (“Моҳият”. 16.03.07); ҳарф алмашиши: “**Телевизў(о)рда кўрдингизми?**” (“Халқ сўзи”. 3.05.07) ва б. Ноўрин нуқта қўйиш: “**XXI Қишки Олимпиада Ўйинларининг. Тантанали ёпилиши**” (“Ватанпарвар”. 12.01.11) ва ҳ.к.

Грамматик хатолар. Сўз тузилиши, жумлада сўзларнинг боғланиши, гап қурилиши ғализлиги сўзловчига нисбатан салбий муносабатга ва тингловчига маълумотни тўғри етказишда тўсқинликка сабаб бўлади. Кўп ҳолларда сўзларнинг нотўғри жойлашуви гап мазмунини тушунишга қийинчилик туғдиради. Масалан: “**Мана ики-уч кундан бери ҳамма бир-бирини табриклаган галаба билан дейди**” (“Моҳият”. 20.04.07) аслида “**Мана, икки - уч кундан буён ҳамма бир-бирини галаба билан табриклаган**”.

Кўп ҳолларда журналистлар отларни келишикларда нотўғри турлаганидан нутқий камчиликка йўл қўяди.

Лексик хатолар. Сўзловчи ёки ёзувчининг лексик меъёрга риоя қилиши тингловчи ёки ўқувчининг ахборотни тўлиқ тушунишини таъминлайди. Журналист нутқида, ёзма матнда кераксиз сўзлар ишлатилиши кўп кузатилади. Биринчи ўринда уларни хато айтилган фикрлардан фарқлаш лозим. Қоидага кўра, сўзловчи хато айтилган фикрни англаган ҳолда, ўз хатосини ўзи тузатади.

Лексик хато эса сўзнинг аниқ маъносини ва қўллаш ўрнини билмаслик оқибатида келиб чиқади. Масалан: “*бугунги кўрсатувимизда элимиз суйган таниқли санъаткор Ўлмас Расулов ҳамда сурнай созининг моҳир ижрочиларидан.... сурнай созининг... асарларида ҳам сурнай йўллари сезилиб туради*” (ТВ. Ўзбекистон. 12.10.05).

Сўзларни ўрнида ишлатмаслик кўп ҳолларда мантиқий хатога олиб келади. Масалан: “... *фильм суратга олинар экан, бу жараёнда бутун бир турмуш яшайди. Кўплаб одамлар ана шу турмушда мавжудлар*” (ТВ. Ёшлар. 09.06.01). Антонимлар: “*Кечқурунги овқатдан кейин...*” (ТВ. Пойтахт.13.11.09), “*кечқурунги*” сўзининг ўрнига “*кечки*” бўлиши керак.

Шунингдек нутқда сўзни тушириб қолдириш ёки сўзларни алмаштириб қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Коммуникатив меъёр. Коммуникатив меъёр ўзида тил, стилистик, этик, ҳуқуқий ва баъзи ахлоқий императивларни жамлайди. ОАВ матнларида коммуникатив меъёр бузилиши ҳам кузатилади. Кўп ҳолда муаллиф онгли равишда меъёрдан оғган ҳолда, каламбур эффектига эришиш учун сўз ўйини усулини қўллайди, янги шакл ёки ноодатий сўз қўллаш орқали қўшимча маъно ифодалайди. Масалан, “... *дастлабки таҳлилга кўра автомобилни секинлаштирадиган мослама (тормози) ишдан чиқиши сабаб бўлган бўлиши мумкин.*” (ТВ. Ёшлар. 04.02.10); “*Аксарияти беморлар, беморлар ётоғига ётадилар, аксарияти жарроҳлар тигида шифо топадилар...*” (ТВ. Ёшлар. 22.02.10.); «*Сиз мамлакатимизнинг энг сўнгги янгиликларидан огоҳ бўлдингиз*» (ТВ.Ўзбекистон. 11.06.03). Янгиликлардан огоҳ эмас хабардор бўладилар; сарлавҳа “*Меҳрга йўғрилган баҳслар*” (“Ўзбекистон овози”. 12.11.05).

Услубий хатолар. Стилистика нутқнинг эстетик сифати бўлиб, сўзловчи ҳақида тасаввур уйғотади. Энг кўп учрайдиган стилистик хатолар жумлада ўзакдош сўзларни қайта такрорлашдир. Масалан, “*мослама ишдан чиқиши сабаб бўлган бўлиши мумкин*” (ТВ. Ёшлар. 04.02.10).

Стилистик хатонинг лингвopsихологик механизми кўпинча ихтиёрсиз равишда вужудга келади. Масалан: “*Юртимизнинг янада ривожланиши йўлида саралашларини изҳор этдилар*” (“Ўзбекистон овози”.15.11.05); “*Юксак сифатли маҳсулотлар*” (“Халқ сўзи”. 11.11.05). Бу ерда услубий хато оқибатида аниқлик бузилган ва мантиқсизлик келиб чиққан.

Баъзида фикрни нотўғри баён қилишга сўзловчининг тушунарли бўлмаган сўзлардан фойдаланиши ёки тушунарсиз гап тузишлари сабаб бўлади. Кузатишларимиз асосида шуни айтиш мумкинки, бундай ҳолат

айрим радиоэшиттиришларда нисбатан кўпроқ учрайди. Масалан: “*Айни дамда тўқис ва дастурхон атрофида танаввул истеъмол қилаётган юртдошларимизга ёқимли иштаҳа*” (**Р. Машаъл. 7.04.07**).

Меъёрий бузилишларнинг таҳлили (ОАВ матнлари таҳлили) тил воситаларини нотўғри қўллаш билан боғлиқ бўлиб, натижада хатога йўл қўйилиши оқибатида “коммуникатив мақсадга мувофиқлик” принципи бузилиши кузатилади.

5.2-бўлими “Оммавий ахборот воситалари тилида нутқ маданиятининг коммуникативлик аспекти таҳлили” деб номланади. ОАВ матнлари миқёсида нутқнинг коммуникатив сифатларини таҳлил этиш ва унга амал қилиш журналист мулоқотининг самарали, таъсирчан ва фойдали бўлишини таъминлайди.

ОАВда адабий тил меъёрининг бузилиши эътиборсизлик, қандай гапириш, ёзиш кераклигини билмаслик, нутқнинг ифодалилигини кучайтириш мақсадида меъёрдан чекиниш ҳоллари билан боғлиқ. Кўп ҳолда оғзаки нутқда келишиқ қўшимчалари фарқланмайди ва натижада морфологик хатоларга йўл қўйилади. Масалан, “... *дарахтдан судралиб юради...*” (ТВ. Ўзбекистон. 15.04.03); сўзни нотўғри маънода қўллаш: “... *жароҳат айнан транспорт воситаси айби билан ҳосил бўлган*” (ТВ. Автопатруль. 22.02.10); талаффуздаги хатолар: “...*бугунги кунни у э(и)нтизорликда кутди*” (ТВ. Ўзбекистон. 13.02.10); сўзнинг луғавий маъносини англамай қўллаш “...*ёш ижодкорларнинг акварель ва қалам тасвирлари, либослар эскизи, зардўзлик, наққошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, бисер тўқиш каби ижодий ишлари ўрин олган*” (ТВ. Ёшлар. 14.02.10). Бундан ташқари синонимнинг ноўрин ишлатилиши, тежамлилиқ тамойилига амал қилмаслик нутқда ортиқчалиқни келтириб чиқаради.

Нутқ ўринли бўлсагина, самарали бўлиши мумкин. Ўринли нутқ деб коммуникатив вазиятнинг барча мезонларига мос келувчи нутққа айтилади.

Оғзаки спонтан нутқда ўринлилиқ сифатининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бунга сўзни ўринли қўллай олмаслик сабаб бўлмоқда: “*Сиз шифокорсиз, онасиз. Мана сиз шифокорсиз. Ҳар иккала иш қийинчилик қилмаяптими?*” (ТВ. Ўзбекистон. 05.06.03).

Тушунарли-тушунарсиз (мақбул-номақбул)ликнинг энг ёрқин тарзда намоён бўлиши терминологик жиҳатдан кузатилади. Кўпинча ўз эрудициясини кўрсатишга интилиш асосий коммуникатив вазифа, яъни ўртача статистик аудиторияга тушунарли бўлишга ҳаракат қилишдан устун келади. Журналист ўз нутқини мазмун ва тузилиш жиҳатдан бойитиш (мураккаблаштириш) чоғида (кўп ҳолларда матнга терминларни киритишда) ўқувчининг интеллектуал даражасини ҳисобга олиши лозим. Айтиш жоизки, турли нашрлар ўқувчиларнинг муайян масала бўйича билимдонлигининг турли даражасини назарда тутган ҳолда чиқарилади. Газета саҳифаларида учрайдиган терминлар: “*Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида амфитеатр дунёга келди*”; “... *ташқил этилган скрининг марказларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимиз...*” (“Халқ сўзи”. 11.11.09).

Тингловчи, ўқувчи ва томошабин берилаётган маълумотни шубҳа билан қабул қилмаслиги керак: “ ... *тиб илми султони Ибн Сино бобомиз газабланишдан сақланишга ундаган. Чунки инсон газабланганда **мияга чиқаётган қон қайнайди** ва кейинроқ **ана шу қайнаб зарарланган қон қайси аъзога бориб чўкса**, ўша аъзо албатта шикастланар экан...*” (ТВ.Ўзбекистон. 6.11.08). *Мияга чиқаётган қон қайнайди* жумласида журналист худди бу маълумотни ўзидан бераётгандек туюлади. Бу ерда услубий хатога ҳам йўл қўйилган.

ОАВ матнларининг мақбуллик, яъни тушунарлилик деб аталмиш яна бир коммуникатив сифати мулоқот вазияти билан бевосита боғлиқ ва у маълумот аниқ адресатга мўлжалланган бўлиши мумкин. Лекин маълумотни қабул қилувчи адресатлар ўртасида фарқ мавжудлиги сабабли ҳар доим ҳам тушунарлилика эриша олинмайди. Жонли нутқда жумлаларнинг ғализлиги, услубий хатоликлар маълумотни тушунишни қийинлаштиради: “*Тушунчаларнинг мазмун ва ҳажми ўртасидаги миқдорий нисбат қонунига мувофиқ амалга оширилади*” (Р. Ёшлар. 11.03.04).

Мақбуллик ва ойдинлик ОАВ матнидаги журналист нутқининг бош сифатларидан бири ҳисобланади.

ОАВ матнларида нутқнинг тўғрилиги билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир омил бу нутқнинг тозалиги(софлиги)дир. Мазкур мезон лексик меъёрларга амал қилиш, нутқнинг адабий тил чегараларидан ташқари лексикадан: варваризм, жаргонлар, шева, паразит сўзлар, тавтология, чет сўзлар ва хоказолардан) холи бўлишидан иборат: “*Зулҳумор опа, ҳозирги пайтда курашчи аёлларимиз камайиб **кетвотти***; “*У узе руҳий кучли бўлишини ҳоҳласа керак*”; “*Ҳамма нарсани бепарволикка **оборвоссиз***” (ТВ.Ўзбекистон. 20.11.05); “*...ҳаётда одамнинг исми ҳам **зависить** қилар эканди...*”, (ТВ. Спорт. 18.12.05); талаффуздаги хатоликлар нутқнинг тозалигини бузади: “*унутмен биз сизнинг фикрингизга таянамиз, унитмен биз сизнинг фикрингизни эътиборга оламиз...*” (ТВ. Пойтахт. 20.11.05); нутқдаги тавтология унинг тозалиги бузилишига олиб келади. Масалан: “*Биз билан **боғланган** дастлабки мухлис билан **боғланамиз. Боғланган мухлисимиз...***” (Р. Ёшлар. 02.01.04); “*Иккита номзод турганда **иккита номзод** танланади...*” (ТВ. Ёшлар. 21.05.04). Хуллас, нутқнинг тозалиги фақат журналистнинг нутқ ва умумий маданиятини эмас, балки унинг диди, сўзни ҳис этиши, меъёрга амал қилиш фазилатини кўрсатувчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Нутқнинг аниқлиги аудитория томонидан ОАВ матни тўғри тушунилишини таъминловчи яна бир мезондир. ОАВ матнларида нутқ аниқлигига амал қилиш учун журналист сўз ва сўз бирикмаларини нутқнинг маъно ва предметли томонларига мос жиҳатлардан келиб чиқиб қўллаши лозим. Журналистнинг ёзма ва оғзаки нутқида аниқликларнинг қуйидаги бузилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Мантиқий жиҳатдан воқеликка зид тушунчани ифодаловчи сўзларнинг ишлатилиши. Масалан: “*Энди эътиборингизни м-м-м-м **мана бу** хатларга қаратсак*” (Р. Ёшлар. 4.04.02); “*Навбатни куй ва қўшиққа берсак энди*

қўшиқ ва рақслар тинглаб дам олишингизни тилаган ҳолда сиз билан...” (Р. Машғал. 24.05.08); **2007 йил 7 январдаги** “Ёшлар” телеканалининг информацион дастурида “... бугун 7 – декабрь” деб нотўғри маълумот берилди.

Сўз маъносига эътибор бермаслик оқибатида ҳам аниқлик бузилиши кузатилмоқда: “Ўсмирга **ничоқ ёрдамида** берилган зарбалардан ўлган” (ТВ.Ўзбекистон. 01.10.06); «... *Халқ вакиллари*нинг Бутунхитой мажлиси сессиясида бу масалага **эътироф қаратилди**” (“Маърифат”. 08.03.17); “*Гувоҳлар инobatга олинмади*”, “*Шу ўринда биз баъзи - бир ҳужжатлар ва гувоҳлар эътирофини келтириб ўтиб...*”; “... унда нега уй Холиқ бобонинг **мулки деб эътироф этилди**”(“Хуррият”. 28.03.07); “*Жиноий жазоларнинг лебераллаштирилиши, оғир жазо тайинлаш сиёсатининг ўзгариши ўзининг ижобий ҳосилаларини бераётгани ҳақли эътироф лойиқдир*” (“Моҳият”. 4.08.06); “*Жюри аъзоларининг эътирофига сазовор бўлдилар*” (ТВ. Ёшлар. 15. 06. 06).

Сўзнинг ноўрин ва нотўғри танланиши оқибатида: “...*гувоҳларнинг гувоҳлик беришича*” (ТВ.Ўзбекистон. 01.10.06); “...*гувоҳларни кўргазма беришича...*”, (ТВ.Ўзбекистон. 5.10.05); “*Қадимги обидаларимиз пештоғидаги ёзувлар чандан ўнгга томон кўрсатилади*” (ТВ. Ўзбекистон. 16.03.03). Маълумки араб алифбосида ўнгдан чапга ўқилади ва ёзилади.

Терминларни қўллашда ҳам аниқликнинг бузилиш ҳолатлари. Масалан, сарлавҳа “*Анестезиоглар айби билан*” деб номланган, лиднинг ўзида хатоликни кўришимиз мумкин: “*Анестезиологлар айби билан Невада штатидаги клиниканинг 40 мингга яқин миждозлари ОИТС ва гепетит С вирусларини юқтирганликлари тахмин қилинмоқда*”. Матнда ҳам ана шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин: “*Текиширувга кўра, вируснинг юқиши миждозларга беморлар қонини ишлатган анестезиологларнинг айби билан юз берган дейилмоқда*” (“Моҳият”. 29.02.08). Медицина терминологиясига мурожаат қилсак, қон қуйиш билан анестезиолог эмас, балки гематолог шуғулланишини билиб олишимиз мумкин.

Нутқ аниқлигини бузувчи тил хатоликларига нисбатан “прецизион” тушунчасига қўшимча равишда адабий тил меъёрларидан чекинишни англатадиган сўз-конструкциялар қўлланади. Аниқликнинг бузилиши мантиқнинг бузилишига олиб келади.

Мантиқийлик (мантиққа мувофиқлик) деб аталмиш яна бир мезон ҳам айнан нутқнинг аниқлиги билан бевосита боғлиқ.

Мантиқий деб мантиқ, фикрлаш қонуниятларига зид бўлмаган матнга сифат берилади. Мантиқийлик аниқлик билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли мантиққа зидлик бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи турли тушунчаларни солиштириш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйишда намоён бўлади. Масалан: “*Мана, сиз отасиз, мабодо ҳеч қачон хонадонингизда бундай кўнгилсиз ҳолатлар бўлмасин...*”(ТВ. Ўзбекистон. 21.05.04); “...*ғиёҳвандлик ўз домига ёшу қарини тортмоқда*” (ТВ. Ёшлар 01.12.05).

“*Ҳаётдан олдин кўз юмганлар...*” (ТВ. Тошкент. 21.10.06); «*Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро шаҳарларида қўлбола ароғлар тайёрлаб,*

сохта фаолият юритаётганлар ҳақида фикр юритамиз ...” (ТВ. Тошкент. 21.10.06); *“... репортажлари билан шундай ҳурматли эътирофга лойиқ”* (Р. Ёшлар. 10.11.03).

Сўз тушиб қолиши ҳам мантиқсизликка олиб келади. Масалан, *“Николай Валувевнинг оғирлиги юртдошимиздан 41 кг оғир, бўйи эса 28 см”* (ТВ. Спорт. 14.04.07).

Бир гапни шаклан ўзгартирган ҳолда такрорлаш. Масалан: *“Бугун Ироқ мактабларидан бирида портлаш содир этилди. Мазкур портлаш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Портлаш билан боғлиқ ҳужжатлар текширилмоқди”* (Р. Пойтахт. 30.03.07). Бу мисолда юқоридаги гап мазмуни сўнгги гапда такрорланганлиги учун мантиқсизлик келиб чиққан.

ОАВ тилида энг кўп тарқалган гап даражасидаги қўпол мантикий хато, бу – баён режасининг сурилишидир. Жумладан, сабаб-оқибат алоқалари нотўғри аниқланиши натижасида нутқ мазмунининг нотўғри, баъзан эса, мутлақо қарама-қарши талқин этилиши содир бўлади: *“...ахийри туманимизнинг собиқ ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов қабулига кирдим”* (“Ўзбекистон овози”. 25.02.05).

Ифодалилиқ экспрессивликка (таъсирчанликка) асосланади. Экспрессивлик, аввало, умумий нейтрал фонда тил ёки нутқий фактни ажратиб кўрсатиш, орттирилган интенсивлик(жадаллик)ни тушунишни билдиради: *“Билсангиз, баҳор элчиси, илк кўкламий ифорларни борлиққа тарқатувчи ...”* (“Жамият”. 7.03.08). “Баҳор элчиси” нутққа образлилиқ, экспрессивлик бағишлаш мақсадида кўчма маънода ишлатилган. *“Кўкламий ифор”* ҳиссий - экспрессив бўёқдорликни ошириш учун қўлланилган.

“Газета-публицистик нутқи ифодалилиқнинг турли-туман воситаларидан фойдаланади. Булар орасида ҳам ахборот (масалан, расмий хабарнинг мазмунини сарлавҳага олиб чиқиш), ҳам ҳиссиётга оид (метафоралар, эпитетлар, образли ўхшатишлар), ҳам очиқ ифода воситаларидан фойдаланилади”⁵⁶.

Ифодалилиқ муаллиф томонидан ўз фикрлари, ҳиссиётлари, баҳолаларини ифода этишни назарда тутди. Бироқ, агар бу ягона мақсадга айланса, қандай бўлса ҳам ажралиб кўринишга интилиш бўлса, “чиройли” ёзиш/гапиришга интилиш бўлса, бу – муваффақиятли, ўринли, самарали, ва, демакки, ифодали деб баҳоланиши мумкин. Бундан ташқари, тилнинг тасвирий воситаларини, фразеологик бирликлар, прецедент матнларни қўллаш ҳам журналист матнининг ифодалилигини оширади.

Товушдош сўзлардан фойдаланиш ҳам ифодалилиқнинг бир кўринишидир: *Ўзбегимнинг баҳори ўзгача бўлади, шаксиз. Ўзлигини англаган, ўз йўлини ўнглаган ўзбегимнинг ўн етти баҳоридир бу. Эркин юртдан эрк топган, эллар ичра эъзоз топган элимнинг баҳоридир бу”* (“Туркистон”. 1.03.08).

⁵⁶ Васильева А. Н. Газетно-публицистический стиль речи. – М., 1982, - С. 81.

ОАВ матнлари микёсидаги коммуникатив нутқ сифатлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан бирининг бузилиши қолганларига ҳам фугур етказди.

5.3-бўлими “ОАВ тилида нутқ маданиятининг этик аспекти таҳлили” деб номланиб ОАВларида этикет формулалари таҳлил қилинган.

ОАВ да журналист (адресант), нутқ этикетининг қоидаларига мувофиқ, мулоқот вазиятига кўра турли этикет иборалари, мурожаат, саломлашиш, хайрлашиш ва ҳ.к. фойдаланади. Адресат адресант билан муносабат ўрнатади. Этикет орқали шунга эришишга имкон туғдириш, ишонувчан ўқувчи, тингловчи, адресатга мурожаат ҳисобланади. Этикет формулаларининг газета саҳифаларида қўлланилиши радио ва телевидениега қараганда ноодатийроқ ҳисобланади. Радио ва телевидениеда телетомашабин ёки радиоёшитувчига билвосита мурожаат қилинганда журналистлар беихтиёр нутқ одоби доирасидаги ибораларни ишлатишади. Газетада бундай ҳол кузатилмайди. Шундай бўлса-да, газета саҳифаларида ўқувчига мурожаат, миннатдорлик мактублари, табриклар кўринишидаги одобга оид ибора ва жумлалар қўлланилиши кузатилади.

Одатда алоқа мурожаат орқали ўрнатилади. Мурожаат шаклини танлаш суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлишини аниқлайди.

ОАВ адресати, мухлис ўз хоҳишига кўра журналист матни билан “бевосита” мулоқотга киришади. Адресант ва адресат ўртасида шахслараро ҳамдардлик, розилик, баҳс-мунозара, ёқтирмаслик каби муносабатлар юзага келади.

1) Муаллиф ўқувчига тўғридан-тўғри мурожаат этиши мумкин. Масалан: *“Ҳурматли ўқувчи! Азиз муштарийлар, ушбу рукн сизнинг кўп сонли таклиф ва талабларингиз асосида ташкил этилгани сир эмас...”*. (“Маърифат”. 30.01.09); *«Азиз муштарийнинг яқин ўтмиши ва бугунни янада аниқроқ англаши учун қуйидаги рақамларни келтиришни жсон билдик...»* («Маърифат» 3.09.03).

2) Муаллиф ўз ўқувчисини бирор бир ҳаракатни биргаликда амалга оширишга чақиритиши мумкин: *“Фараз қилайлик, ... ушбу ҳолатдан ҳеч кимни муҳофаза қилиб бўлмайди”* («Туркистон» 17.09.05).

Даврий матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқимизга турли байрамлар, тарихий воқеалар муносабати билан йўллаган табрикларини тез-тез учратамиз. Ушбу табриклар мурожаат билан бошланиши ўқувчи диққатини тортади ва президентнинг халққа нисбатан самимий муносабатини кўрсатади. Масалан, *азиз, қадрли, ўғлонларим, ватандошлар. «Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Азиз Аскар ва сержант Ўғлонларим!»; «Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!»; «Азизларим, биродарларим...»; «Муҳтарам юртдошларим!»*

Радио ва телевидениеда мурожаат шакллари деярли барча эшиттириш ва кўрсатувларда ишлатилади. Мурожаатлар фақат мухлисга эмас, балки кўрсатув жанрига қараб, студияга таклиф этилган меҳмонларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, газета ва телевидениега қараганда радиода этикет формулаларининг қўлланили-

ши(мурожаат) ўзининг турли туманлиги ва радио ва теле эфирда доимо қўлланилиши, эшиттиришнинг расмий, норасмийлига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Масалан, расмий, яъни информацион жанрларда: *қадрли мухлислар, азиз радио тингловчилар, мухтарам тингловчилар, ҳурматли радиомухлислар, азиз юртдошлар, Ассалому алайкум эфирда..., Азиз тингловчилар ...эфирда; Ассалому алайкум, ҳурматли радиотингловчилар...; Салом азиз мухлислар...; Ассалому алайкум, азиз юртдошлар; Ҳурматли радиомухлислар...; Азиз юртдошлар...; Қадрли радиомухлислар....*

Мурожаатдан кейин хурсандлик ва мамнунлик иборалари қўлланилишини кузатишимиз мумкин: *«Ассалому алайкум, азиз юртдошлар, мухтарам мухлисларимиз. Сog-саломат бормисиз, омон-эсон бормисиз»* (Р. Ёшлар. 10.12.05); *«Ассалому алайкум, азизларим сизлар билан яна учрашаётганимдан бениҳоя хурсандман»* (Р. Ёшлар. 10.12.04).

Саломлашиш + саломга алик олиш кўпроқ интерактив эшиттиришларда қўлланилади. Масалан: *“Ваалайкум ассалом, ўзингизни таништиринг”*. (Р.Тошкент. 15.05.08). *“Саломингизга ваалайкум деган ҳолда сизга соволимизни яна бир бор такрорлаймиз....”* (Р. Ёшлар. 13.02.07).

Саломлашиш + мурожаат: *“Салом алайкум, қадрли мухлис... ”*. (Р. Ёшлар. 15.06.03).

Фақат бир мухлисга мурожаат қилиниши ҳам мумкин: *“Албатта қадрли мухлисам...”* (Р. Ёшлар. 04.08.07).

Мурожаат информация охирида бўлиши мумкин: *“Сизларга маълум қилмоқчи бўлган хабарлар ана шулардан иборат эди, азиз дўстлар.”* (Р. Ўзбекистон. 13.02.08). Мурожаат мулоқотни суҳбат ўртасида узиб қўймаслик учун ҳам қўлланилиши мумкин: *“Қадрли дўстлар, биз билан хайрлашмайсиз деган умиддамиз...”* (Р. Пойтахт. 15.02.09).

Саломлашиш+мурожаат+илтимос: *“Яна бир марта салом дея, қадрли мухлислар Сизлардан қуйидаги рақамга 133-59-95 қўнғироқ қилишингизни илтимос қиламиз »* (Р. Ёшлар. 04.05.05).

Охирги йилларда радиода оммага, якка мухлис сифатида мурожаат қилинишини учратиш мумкин. Бундай мурожаатлар кўпинча қўнғилочар дастурларда кузатилади. Масалан: *«Ассалому алайкум, азиз мухлис...»* (Р. Ёшлар. 04.03.05); *“Азиз тингловчи, мана мен яна сизлар билан...”* (Р.Ўз-тон. 05.10.04); *“Салом азиз аёл! Мана бугун...”* (Р.Ёшлар. 08.03.2008); *«Ассалому алайкум, дилкаш мухлисам»* (Р. Ёшлар. 03.05.07); *“Азиз тингловчи, саволингизга ... Рустам Маҳкамов жавоб беради”* (Р. Тошкент. 18.06.08).

Баъзи эшиттиришларда мурожаат + миннатдорликни кузатиш мумкин. Масалан: *«Гулчеҳра она, сизга раҳмат...»* (Р. Тошкент. 18.06.08).

Кечирим сўраш. Кечирим сўраш ҳолларини журналист ўз нутқида хатоликка йўл қўйганда, уни тузатиш жараёнида қўллашнинг кузатишимиз мумкин: *“Ҳозир сизлар учун Севара Назархон куйлайди, сўн(г)ра э-э-э-э кечирасиз сўнгра мен сизга кундалик...”* (Р. Пойтахт. 1.04.03); *“Бугун ҳафтанинг илк куни шанба, узр сўнғи куни демоқчи эдим...”* (Р.Грант. 14.05.08); *“Узр, гапингизни бўлдим...”* (Р.Ёшлар. 1.07.09).

Хайрлашиш + тилак билдирувчи: “*Бошим кўкка етгунча... хайрлашиб қоламан*” (Р.ОД. 14.06.06).

Таҳлиллар кўрсатадики, телевидениеда ҳам радио сингари, этикет формулаларининг қўлланилиши ўзига хос хусусиятига эга. Этикет формулалари кўрсатув жанридан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Хайрлашиш формулаларининг қўлланилиши андозавийликка эга. Масалан: “*Сизлар билан студияда.... эди. Хайр... саломат бўлинг...*” (ТВ. Пойтахт. 21.09.05).

Хайрлашиш формулалари билан бирга тилак билдириш формулалари ҳам ишлатилади: *сизларга хайрли ва осуда тун тилаган ҳолда....; мароқли дам олишингизни тилаган ҳолда....; соғ омон бўлинг...; дам олиш кунларингиз кўнгилдагидек ўтсин...; сизга омад тилаб... ва б.*

Этикет формулаларини қўллаш тилнинг миллийлик хусусиятлари билан боғлиқлигини кузатиш мумкин: “*Азизлар, 29 июл тонггида сиз учун тайёрлаган дастуримиз ҳам ниҳоялаб бормоқда. Ҳаётда қувончли-ю ташвишли, шодлигу қайғули дамлар учраши мумкин. Яхши кунларга эришиш учун эзгу мақсадли бўлиш керак. Хайрли амалларни бажариш барчамизга насиб этсин дея, тонгги дастуримизни якунлаймиз. Кўришгунча*” (ТВ. Ўзбекистон. 10.08.09).

Этикет формулаларини қўллашда кўп ҳолларда хатоликлар кузатилади: интонация бузилиши оқибатида, паузага амал қилмаслик оқибатида: “*Кўришгунча омон бўлинг*”, “*Учрашгунча сизга соғлиқ ва омонлик тилаб*” (ТВ. Ёшлар, 14.08.09). “*Кўришгунча /омон бўлинг*”, “*Учрашгунча / сизга соғлиқ ва омонлик тилаб*” - паузаларга тўғри амал қилимаслиги оқибатида тилак мазмуни бузилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нутқий этикет формулалари ОАВ да қўлланилиши жанр хусусиятлари билан боғлиқ, бундан ташқари, исм-фамилия шакллари қўллаш доирасининг кенгайганлиги ва уларни қўллашнинг миллийлик хусусиятлари мавжуд. Нутқий этикет миллийлик билан йўғрилгани эса, унинг миллий маданиятнинг ажралмас қисми эканлигидан далолат беради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР:

ОАВ тилининг нутқ маданияти аспектида олиб борилган тадқиқи натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. ОАВ тилига бағишланган тадқиқотларнинг савияси ва хусусиятлари жаҳон тилшунослигининг ҳолати ва эволюцияси даражаси билан белгиланади. Жаҳон тилшунослиги тилни ўрганиш борасида уни ёпиқ тизим эмас, балки ҳаракатдаги тизим сифатида, яъни жамият, тафаккур, маданият, сиёсат, мафкура, дин каби соҳалар билан боғлиқ тарзда ўрганиш лозимлигини исботлади.

2. Ҳозирги пайтда оммавий коммуникация тили адабий тил билан чекланиб қолмай, миллий тилнинг бошқа қатламларини ҳам қамраб олишга интилоқда. Бунда ОКнинг яна бир функцияси, адабий тилнинг миллий тил билан ўзаро таъсирини таъминловчи функцияси амалга ошмоқда.

3. ОАВ – янгича борлиқ бўлиб, у ҳозирги лисоний жараёнларнинг марказидан жой олган. У миллий тилнинг ҳозирги замондаги модели бўлиб, унда адабий ва бошқа соҳалар билан ўзаро таъсир жараёнида юзага келади. Вербал тилни ўрганишдаги пайдо бўлаётган янги лингвистик тамойиллар унинг бир кўриниши бўлиши ОАВ тили билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишда ҳам ўз аксини топади.

4. Янги ифода воситаларининг ишлаб чиқиши, адабий тил қўлланиш доирасининг кенгайиши, унинг демократлашувини ихтисослаштириш жараёнининг объектив натижаси сифатида тан олиш мумкин.

5. Ҳозирги пайтда ОАВ тилгагина эмас, нутққа ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда. Сўзлар кўпинча нутқ шароитида ўз маъноларини тўлиқ, борица намоён этади. Замонавий ОАВ тили ўзининг манбалари бўлмиш адабий тил ва унинг функционал стилларигагина эмас, балки унинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлган омманинг лисоний тафаккури, стилистик меъёрларнинг мустаҳкамланишига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

6. Турли халқларда менталитет ва маданий анъаналарга кўра сўз ва иборалар мулоқот мақсади, ҳолатига қараб турлича қўлланилади ва тушунилади. Коммуникатив мақсадга йўналганлик анъанавий бўлмаган тарзда англашилади. Бундан ташқари, маълум бир мамлакат, географик ҳудудга қараб аудитория турини ҳам ҳисобга олиш лозим. Турли миллат вакиллари билан мулоқотда исботлаш ва ишонтиришнинг ўзига хос турлари амал қилади.

7. ОАВ нутқини миллий менталитет доирасида таҳлил қилиш пайтида, тилнинг этик жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди; ўзбекча хулқ стереотипи тилда ўринсиз сўзлар, жаргонлар ва табу сўзларнинг ишлатилиши устидан катъий назорат ўрнатилганлиги аниқланди.

8. Ҳозирги замон ўзбек газета тилида асосан икки тенденция кўзга ташланади: биринчидан, расмий матбуот нашрларида расмий услуб сақланиб қолган бўлса; иккинчидан, кўнгилочар матбуот нашрларида турли услубларнинг қоришиғи маҳсули бўлмиш бадий-публицистик услуб ҳукмрон. Бу, албатта, инсонлараро мулоқотнинг оммавийлашгани учун матбуотнинг ана шу оммавийликка хизмат қилиши билан изоҳланади.

9. Телевидение нутқини ўрганишда унинг табиати, спецификасини белгиловчи хусусиятлардан келиб чиқиш зарур. Телевидениеда унинг ўзигагина хос бўлган таъсирчан воситалар мавжуд, имкониятлари ҳам кенг, унга қўйиладиган талаблар ҳам катта. Тил воситаларини танлашда замонавий телевизион нутқнинг хусусиятиларини ҳисобга олиш зарурурати келиб чиқади. Уларни тўғри танлаш эса адабий тил меъёрлари билан боғлиқдир.

10. Радионинг ўзига хос ОАВ эканлиги унинг техник тузилиши билан белгиланади. Шу туфайли радиода воситали ва бевосита мулоқот амалга оширилади. Унинг техник параметрлари, ахборотни қабул қилиш ва етказишдаги техник усуллар радиокommуникациянинг асосий хусусиятларидан саналади. Замонавий радионутқда тил воситаларининг кенг диапозонидан фойдаланилади. Бу бир мулоқот доирасида – бир жанр,

бир асарда турли функционал-стилистик қатламлардан фойдаланиш имконини беради.

11. Электрон ОАВдаги аудиториянинг тил меъёрларига боғлиқ даражаси даврий матбуотнинг тил меъёрларига нисбатан юқоридир. Бунда тингловчи тушунча, терминни англабгина қолмай, унинг жаранглаши, жумланинг оҳанги, мантикий урғу, унинг талаффуз усулини ҳам эшитиб туради.

12. Нутқ маданиятига оид билим ва кўникмалар билан қуролланиш давр талабига айланиб боргани учун уни илмий жиҳатдан ўрганиш ОАВ, аниқроғи, радио яратилганидан кейин авж олди. Нутқ маданияти таълимоти тилнинг адабий ва адабий бўлмаган шакллари, статик ва динамик ҳолати, унинг функционал турлари ҳақидаги қарашларнинг яратилиши билан биргаликда ривожланиб борди.

13. Нутқ маданиятининг уч асосий жиҳати – меъёрийлик, коммуникативлик ва ахлоқий белгилари оммавий мулоқотнинг асосий хусусияти бўлиб, улар тилнинг сайқаллашуви ва ривожланишида жуда муҳим ўрин тутди.

14. ОАВ тили адабий тилимизнинг интеллектуал ва эмоционал соҳаларини эмоционал-баҳолаш мазмуни билан йўғрилган сўз, сўз бирикмалари, гаплар билан бойитиб боради ҳамда имкониятларини кенгайтиради, уларни шаклан аниқ ва ихчам, мазмунан экспрессив, кенг қамровли номинатив бирликларга айлантиради.

15. Меъёрийлик тил ёки нутқ эмас, балки жамият ва ундаги барча фаолиятларга ҳам хос эканлиги, унга нисбатан янгича ёндашувнинг, унинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бундай мулоҳазалар уларга қарама-қарши бўлган меъёр динамиклигини – ўзгарувчанлигини эътироф этувчи янгича нуқтаи назарни юзага келтирди.

16. Адабий тил, тил тараққиёти давомида бир этносга бирлашган тил эгаларининг ҳудудий чегараланиши натижасида юзага келган диалектлар – шевалар, лаҳжаларга бўлиниш ва уларнинг тил тараққиёти учун аҳамиятли бўлган айрим унсурлари орқали ягона, барчага тушунарли, ибратли адабий тил деб аталмиш намунавий яхлитликка бирлашуви тарзида кетма-кет намоён бўлувчи бир-бирига қарама-қарши бўлган жараёнлар оқибатида шаклланган.

17. ОАВ матнларида адабий тил меъёрларининг бузилиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, жиддий нуқсонларни келтириб чиқаради. ОАВ адабий тил тарғиботчиси экан, бундай ҳолатларнинг олдини олиш журналистлар олдида нутқ маданиятини мукамал эгаллашдек масъулиятни юклайди.

18. ОАВ тилида нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти: тўғрилиқ, аниқлик, тозалик, мантикийлик, ифодалилиқ, ўринлилиқ каби нутқ сифатларининг бузилиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу эса журналистлардан нутқ сифатларини яхши эгаллашларини талаб қилади.

19. Нутқ этикети сўзлашув одоби қоидаларини тартибга солувчи миллий, ўзига хос стереотиплар, суҳбатдош билан алоқа ўрнатиш, алоқани танланган

тоналликда давом эттириш ёки тугатиш учун қабул қилган сўзлашув формулаларини ўз ичига олади. ОАВда этикет формулаларининг қўлланилиши ўзининг турли-туманлиги ва радио, телеэфирда доимо қўлланилиши, жанр ва миллийлик хусусиятлари билан боғлиқ.

20. Замонавий ОК тили ўзининг манбалари бўлмиш адабий тил ва унинг функционал стилларигагина эмас, балки унинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлган омманинг лисоний тафаккури, стилистик меъёрларнинг мустахкамланишига кучли таъсир кўрсатмоқда.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография:

1. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. - Тошкент: Фан ва технология, 2011. 224 - б.

2. Тешабаева Д.М. Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Ташкент: Из-во УзГУМЯ, 2008. 128 с.

Ўқув-методик ишланма:

3. Боқиева Г.Х., Тешабоева Д.М. Журналистнинг нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Ўқув-методик ишланма.- Тошкент: 2006. 61 – б.

Журналларда чоп этилган мақолалар:

4. Тешабаева Д.М. Этикет делового письма // Преподавание языка и литературы. –Ташкент, 2000. -№2. - С.48 -56.

5. Тешабаева Д.М. Особенности языка радио // Хорижий филология. Илмий методик журнал. –Самарқанд, 2004. -№ 2. -С. 64 – 71.

6. Тешабаева Д.М. Релевантные признаки делового стиля речи//Преподавание языка и литературы. –Ташкент, 2002. - №6. -С.48-57.

7. Тешабаева Д.М. Проблема становления национальной терминологии в Узбекской журналистике // Объединённый научный журнал. - Москва, 2002. №31. -С. 45 -47.

8. Тешабаева Д.М. Журналистнинг нутқ маданияти ва нутқий этикети. Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2003. -№4. -Б. 83 –86.

9. Тешабаева Д.М. Основные особенности современного массового информирования// Преподавание языка и литературы. –Ташкент, 2003. -№ 4. -С. 3-9.

10. Тешабаева Д.М., Бабаходжаева М. Экспрессивность, эмоциональность и оценочность в средствах массовой информации // Филология масалалари. Илмий-методик журнал. –Тошкент, 2003. -№2. -С. 102-103.

11. Тешабаева Д.М. Тесты по стилистике и культуре речи// Преподавание языка и литературы. –Ташкент, 2004. - № 4. - С.74-80.

12. Тешабаева Д.М. Новое о речевом воздействии в СМИ. Филология масалалари. Илмий методик журнал. –Тошкент, 2005. -С. 43-48.
13. Тешабаева Д.М. Особенности проявления этического аспекта культуры речи в средствах массовой информации // Филология масалалари. Илмий методик журнал. – Тошкент, 2005. № 4. -С. 114-118.
14. Тешабаева Д.М. Исторический процесс этического аспекта культуры речи на примере деловых писем // Илм сарчашмалари. –Ургенч, 2006. - №4. -С. 71-74.
15. Тешабаева Д.М. Лексические особенности языка газеты. Илм сарчашмалари. Научный и научно-методический журнал. – Ургенч, 2007. - №4. -С. 77-80.
16. Тешабаева Д.М. Эмоционально-экспрессивная оценка – принадлежность слова в средствах массовой информации // Филология масалалари. -Тошкент, 2007. - № 3. -Б. 95-99.
17. Тешабаева Д.М. Газета матнида нутқнинг коммуникатив сифатлари // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент, 2007. -№ 3. - Б.114-117.
18. Тешабаева Д.М. Речевой этикет в сфере массовой коммуникации// Хорижий филология.- Самарканд, 2009. -№ 3. -Б. 77- 80.
19. Тешабаева Д.М. Миллий менталитет ва миллий одоб журналист мулоқот одобининг негизи сифатида // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. –Бухоро, 2010. -№ 2. -Б.75-78.
20. Тешабаева Д.М. Формирование современного узбекского языка в СМИ//Алтаистика и тюркология. Международный центр алтаистики и тюркологии. – Казахстан, 2010. -№ 1-2 9 (4), -С. 40-49.
21. Тешабаева Д.М. Коммуникативный аспект культуры речи в средствах массовой информации // Вестник Кыргызского государственного университета им. И. Арабаева. – Бишкек, 2011. -№ 1(2), - С. 269-272.
22. Teshabaeva D.M. National features of Uzbek newspaper texts // PUFS Foreign Language Studies –Korea, 2011. - №2. -С. 139-151.
23. Тешабаева Д.М. Роль безэквивалентной лексики в общественно-политическом газетном тексте // Вестник Московского государственного лингвистического университета. Выпуск 24 (630). Языкознание. –Москва. 2011. –С.99-104.
24. Тешабаева Д.М., Ортикова М.Р. Прецедентлик журналист матнларининг ифодалилигини оширувчи восита сифатида // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент, 2011. -№ 2. –Б.136-139.

Илмий тўпламларда эълон қилинган мақолалар ва тезислар:

25. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Некоторые аспекты истории риторики в Средней Азии. Риторика в системе гуманитарного знания // Тезисы VII Межд. конф. по риторике. -Москва, 2003.-С.46-49.
26. Тешабаева Д.М. Языковая личность журналиста. Проблемы и перспективы воспитания языковой культуры и формирования языковой

личности молодого журналиста и филология евразийского пространства // Труды международной научно-практической конференции. IV Молодежный информационный форум «Кольцо Евразии» 17-20 мая 2006 года, -Москва, - С. 151-154.

27. Тешабаева Д.М. Культурно-языковые особенности современных СМИ Узбекистана // IV Международная научная конференция «Язык, культура, общество». Тезисы докладов. -Москва, 27-30 сентября. 2007. -С. 79-80.

28. Тешабаева Д.М. Национально окрашенность русской речи // IV Международная научная конференция «Язык, культура, общество». Тезисы докладов. -Москва, 27-30 сентября 2007. -С. 26-27.

29. Тешабаева Д.М. Национально-культурный аспект речевого этикета делового письменного общения// Актуальные проблемы теории и практики преподавания языков в вузах Республики Узбекистан. Сборник научных трудов. – Ташкент, 2000. -С.30-34.

30. Тешабаева Д.М. Матбуот тилида таъсирчанлик // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Сборник научных трудов. –Ташкент, 2009. -Б. 159-162.

31. Тешабаева Д.М. Оммавий онгнинг шаклланишида журналистиканинг ўрни // Филология и современность. Сборник научных трудов. Выпуск 2. – Ташкент, 2009. -Б. 135-138.

32. Тешабаева Д.М. Ахборот узатишда журналист нутқининг шаклланиши // Филология и современность. Сборник научных трудов. Выпуск 2. –Ташкент, 2009. -Б. 138-141.

33. Тешабаева Д.М. Нутқий этикет формулалари журналист мулоқотида // Аюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. ЎЗМУ. –Тошкент, 2010. -Б. 129-135.

34. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари нутқининг ўзига хосликлари // Истиклол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолар (илмий мақолалар тўплами). ЎзДЖТУ. - Тошкент, 2010. -Б. 85-88.

35. Тешабаева Д.М. Функционально-стилевая неопределенность радиоинтервью// Истиклол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолар. Илмий мақолалар тўплами. ЎзДЖТУ, -Тошкент, 2010. -Б. 63-65.

36. Тешабаева Д.М. Публицистик матннинг коммуникатив услубшунослик нуқтаи назаридан талқини//Тил воситалари ёрдамида касбий маҳоратни шакл-лантириш-комиллик сифатларини ривожлантирувчи омил. (Республика семинар кенгаш материаллари 2-қисм). - Тошкент, 2010. -Б. 147-153.

37. Тешабаева Д.М. Языковое манипулирование в СМИ // Тезисы Республиканской научно-практической конференции. –Ташкент, 2004. -С. 98-101.

38. Тешабаева Д.М. Национально-культурный аспект речевого этикета делового письменного общения// Актуальные проблемы теории и практики

преподавания языков в вузах Республики Узбекистан. Сборник научных статей. –Ташкент, 2000. -С.30-34.

39. Тешабаева Д.М. Речевой этикет как компонент культуры общения // Русский язык в Узбекистане. Современное состояние и перспективы. Материалы науч-практ. конференции. Вып-2. –Ташкент, 2002. -С.- 25.

40. Тешабаева Д.М. Культура ведения интервью на радио. Лингвокультурологические проблемы преподавания русского языка и литературы: состояние и перспективы. -Ташкент, 2007. -С. 75-76

41. Тешабаева Д.М. Характерные признаки речевого этикета// Типология языков. Внутриязыковые и межкузыковые функционирование языковых единиц. Межвузовский сборник. Вып.5. –Нукус, 2003. -С.12-15.

42. Тешабаева Д. М. Специальная природа речевого этикета// Типология языков. Внутри-языковые и межкузыковые функционирование языковых единиц. Межвузовский сборник. Вып.5. –Нукус, -2003. -С. 24-28.

43. Тешабаева Д.М. Языковая оценка в средствах массовой информации// Гуманистическая роль языка и литературы на современном этапе. Материалы научно-практической конференции.- Бухара, 2004. -С. 313-314.

44. Тешабаева Д.М. К вопросу формирования коммуникативной компетентности у журналиста в процессе обучения риторике и этикету//Илм-фан тараққийетида олимпиада аёлларнинг ўрни. Илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2005. -Б. 110-113.

45. Тешабаева Д.М. Журналистнинг нутқ маданияти// Профессор – ўқитувчилар конференцияси материаллари. ЎзДЖТУ. –Тошкент, 2005. -Б. 99-102.

46. Тешабаева Д.М. Специфические особенности в языке прессы//Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. ЎЗМУ. –Тошкент, 2006, -Б. 88-92.

47. Тешабаева Д.М. Теоретическая проблема изучения языковой личности журналиста// ЎЗМУ “Ёш тадқиқотчилар” илмий ишлари. -Тошкент 2004. -С. 53-57.

48. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Формы обучения, применяемые на занятиях курса «Основы риторики и культуры речи» // Мамлакатимиз илм-фани, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққийетида олимпиада аёлларнинг ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. -Тошкент, 2007. -Б. 119-122.

49. Тешабаева Д.М. Языковые заимствования в СМИ//Мамлакатимиз илм-фани, маданияти, маънавияти ва маърифати тараққийетида олимпиада аёлларнинг ўрни. Илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент, 2007. -Б. 163-165.

50. Тешабаева Д.М. Журналистнинг нутқ маданияти ва нутқий одоби// Ўзбекистон Республикаси филологик олий ўқув юртларида тил ўқитиш долзарб муаммолари. Республика илмий-услубий анжумани тезислар тўплами 29-30 июнь. –Тошкент, 2007. -Б. 58-59.

51. Тешабаева Д.М. Методы обучения основам риторики // Проблемы преподавания языковых дисциплин в нефилологических вузах республики Узбекистан. Тезисы Республиканской научно-практической конференции. – Ташкент, 29-30 июня. 2007. - С. 124-126.

52. Тешабаева Д.М. Риторическая культура современного журналиста // Чет тиллари ва миллий менталитет. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент. ЎзДЖТУ, 2007. -С. 43 –45.

53. Тешабаева Д.М., Садикова Г.Т. Речевой этикет как часть национальной культуры в частности культуры общения//Чет тиллари ва миллий менталитет. Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент. ЎзДЖТУ, 2007. -С. 68-69.

54. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Роль курса «культура речи» в подготовке будущего педагога иностранных языков// Чет тиллари ва миллий менталитет. Илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент. ЎзДЖТУ, 2007. -С. 112-114.

55. Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Проявление языковой личности теле и радио оратора // Истиклол ва тил. Илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ЎзДЖТУ. 2007. -С. - 106.

56. Тешабаева Д.М., Баймаков А. Особенности языка массовой коммуникации и проблемы перевода//Роман ва Герман тилшунослигининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2009. - С. 282 -283.

57. Тешабаева Д.М. Особенности перевода терминов//Роман ва Герман тилшунослигининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. ЎзДЖТУ, -Тошкент, 2009. - С. 218.

58. Тешабаева Д.М. Эмоционально-экспрессивная оценка слова в СМИ//Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқалар учун кадрлар тайёрлашда тил таълими масалалари илмий-услубий конференция материаллари. - Тошкент 2009. - С. 135.

59. Тешабаева Д.М., Ботирбекова М. Радионутқ оғзаки ошкора нутқ сифатида//Тил тизими ва нутқий фаолият. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Самарқанд, 2010. -Б. 203-204.

60. Тешабаева Д.М. Особенности проявления формул речевого этикета в прессе// VI Виноградовские чтения в Республике Узбекистан. -Ташкент. 2010. -С. 121-123.

61. Тешабаева Д.М. Элитар нутқ маданияти – саводли нутқ маданияти сифатида//Тил воситалари ёрдамида касбий маҳоратни шакллантириш–комиллик сифатларини ривожлантирувчи омил. (Республика семинар кенгаши материаллари). –Тошкент, 2010. -Б. 294-297.

62. Тешабаева Д.М. Нутқ маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми сифатида//Систем–структур тилшунослик муаммолари. Филол.фан. д-ри, проф. Н.Қ.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2010. -Б. 249-250.

63. Тешабаева Д.М. Матбуот тилида прецедентлик ва унинг қўлланиш хусусиятлари// Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. ЎзДЖТУ. –Тошкент, 2011. -Б. 198-201.

64. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг информაციон-коммуникатив моҳияти// Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ. – Тошкент, 2011. -Б. 142-148.

65. Тешабаева Д.М. Жабборова Ш. Менталитет жамиятнинг этник ва маданий ўзига хослиги сифатида // Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида. Илмий мақолалар тўплами. ЎзМУ. – Тошкент, 2011. -Б. 164-166.

66. Тешабаева Д.М. Ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнида лисоний коммуникация// Давр, жамият, ахборот. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. ЎзДЖТУ. –Тошкент, 2011. -Б.182-186.

67. Тешабаева Д.М. Оммавий коммуникациянинг услубий хусусиятлари// “Жаҳон адабиёти” фанини ўқитишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция. ЎзДЖТУ. –Тошкент, 2011. -Б. 271-274.

68. Тешабаева Д.М. Жабборова Ш. Языковая специфика русскоязычной прессы Узбекистана // IV Международная научная конференция «Язык, культура, общество». Тезисы докладов. –Москва, 22-25 сентября. 2011. -С. 19-20.

69. Тешабаева Д.М. Проявление национальной окрашенности русской речи в языке газеты // Язык и культура, медицина и закон. Международно-междисциплинарный научно-аналитический и информационный сборник. – С-Петербург–Ганновер (Германия), 2011. -С. 114-119.

70. Тешабаева Д.М. Публицистик дискурсда ахлоқий концептларнинг ёритилиши // Тилларни қиёсий-типологик ўрганишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. –Термиз, 2011. –Б. 217-218.

Филология фанлари доктори илмий даражасига талабгор Тешабоева Дилфуза Мўминовнанинг 10.02.19 – тил назарияси ихтисослиги бўйича “Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: оммавий ахборот воситалари тили, медиалингвистика, медиаматн, нутқий-маданий баҳо, функционал услубшунослик, публицистик услуб, информацион меъёр, коммуникатив услубшунослик, дискурс, нутқ маданияти, меъёрий аспект, коммуникатив аспект, экспрессивлик, эмоционаллик, стандартлик.

Тадқиқот объекти: оммавий ахборот воситалар тили.

Тадқиқот мақсади: оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданиятини меъёрий, коммуникатив ва этик аспектларда тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот методлари: диссертацияда қуйидаги методлардан фойдаланилди: лингвистик тавсиф методи, семантик-стилистик метод, компонент таҳлил методи, матн билан боғлиқ таҳлил, қиёсий метод, акустик анализ (радио ва телевидение) методи, ижтимоий сўроқ методларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: нутқ маданиятининг меъёрий, коммуникатив ва этик аспектларида оммавий ахборот воситалари (газета, телевидение ва радио) тили илк бор монографик тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилди; оммавий ахборот воситалари тили ва нутқ маданияти масалаларини тилшуносликда ўрганиш принциплари аниқланди; нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ёритилди ва оммавий ахборот воситалари тилида нутқ маданияти намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилди; замонавий ОАВ тилининг хусусиятлари таҳлил этилди; оммавий ахборот воситалари тилининг миллийлиги очиб берилди; газета тилининг социопсихоллингвистик ва функционал-коммуникатив хусусиятлари ўрганилди; газета тилининг экспрессивлиги ва ундаги нутқий-маданий баҳоси аниқланди; телевидение ва радио тилининг хусусиятлари ёритилди ва уларнинг экспрессивлиги, нутқий-маданий баҳоси аниқланди; оммавий ахборот воситаларида нутқ маданиятининг меъёрийлик аспектида тадқиқ қилинди; оммавий ахборот воситаларида нутқ маданиятининг коммуникативлик аспекти ёритилди; оммавий ахборот воситаларида нутқ маданиятининг этик аспекти таҳлил этилди; оммавий ахборот воситалари тилида нутқ маданияти аспектларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари очиб берилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижаларидан умумий ва ўзбек тилшунослиги, нутқ маданияти, услубият ва матн таҳлили, социоллингвистика, психоллингвистика, риторика ва журналистика йўналиши бўйича машғулотлар ўтказишда, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси: Диссертация иши натижалари ва материалларидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети, Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек тилшунослиги (нутқ маданияти ва нотиклик санъати йўналиши) кафедрасида “ОАВ тили, услуби”, “Матбуот тили, услуби”, “Электрон ОАВ тили, услуби”, “Оммавий онгни шакллантиришда ОАВ тилининг ўрни”, “Нутқ сифатлари”, “Нутқ маданияти асослари” фанлари ва курслари бўйича маъруза ва амалий машғулот дарсларини олиб боришда кенг фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: умумий ва ўзбек тилшунослиги, социоллингвистика, психоллингвистика, услубият, нутқ маданияти асослари, нотиклик санъати.

РЕЗЮМЕ

диссертации соискателя ученой степени доктора филологических наук
Тешабаевой Дильфузы Муминовны по специальности 10.02.19 - теория языка
на тему “Исследование языка СМИ в аспекте культуры речи (на материале СМИ
Республики Узбекистан)”

Ключевые слова: язык средств массовой информации, медиалингвистика, медиатекст, рече- культурная оценка, функциональная стилистика, коммуникативная стилистика, публицистический стиль, информационные нормы, дискурс, речевая культура, нормативный аспект, коммуникативный аспект, экспрессивность, эмоциональность, стандартность.

Объект исследования: объект диссертационной работы – язык средств массовой информации.

Предмет исследования: нормативный, коммуникативный и этический аспекты культуры речи языка СМИ.

Цель исследования: исследование культуры речи в средствах массовой информации в нормативном, коммуникативном и этическом аспектах.

Методы исследования: метод лингвистического описания, метод семантико-стилистического анализа, метод компонентного анализа, метод текстового анализа, сравнительный метод, метод акустического анализа (радио и телевидение), анкетирование.

Полученные результаты и их новизна: впервые язык СМИ (газеты, телевидения и радио) исследован в качестве объекта монографического исследования в нормативном, коммуникативном и этическом аспектах культуры речи; определены принципы изучения в языковедении вопросов языка и культуры речи СМИ; раскрыта современная концепция культуры речи; показано своеобразие проявления культуры речи в языке СМИ; проанализированы особенности языка СМИ; раскрыта национальная специфика языка СМИ; изучены социо-психолингвистические и функционально-коммуникативные качества языка газеты; определена экспрессивность языка газеты и ее рече-культурная оценка; проанализирован язык газеты, телевидения и радио в аспекте культуры речи; освещены особенности языка телевидения и радио, его экспрессивность и рече-культурная оценка; проанализирован нормативный аспект культуры речи в СМИ; исследован коммуникативный аспект культуры речи СМИ; освещен этический аспект культуры речи в СМИ; раскрыта взаимосвязь аспектов культуры речи СМИ.

Практическое значение: материалы исследования могут быть использованы при проведении занятий по общему и узбекскому языкознанию, культуре речи, стилистике, риторике, журналистике, социолингвистике, психолингвистике, при написании диссертаций, монографии, учебников, учебных пособий.

Степень внедрения: результаты и материалы исследования внедрены в практику преподавания курсов «Язык и стиль СМИ», «Язык и стиль прессы», «Язык электронных СМИ», «Основы риторики и ораторское искусство», «Коммуникативное качество», «Основы культуры речи» и спец.курса «Язык СМИ как средство манипулирование общественного сознания» на факультете международной журналистики Узбекского государственного университета мировых языков, а также на кафедре узбекского языкознания (направление культура речи и ораторское искусство) Национального университета Узбекистана.

Область применения: общее и узбекское языкознание, стилистика, социолингвистика, психолингвистика, культура речи, ораторское искусство.

RESUME

Thesis of Teshabaeva Dilfuza Muminovna on the scientific degree competition of the Doctor of philological sciences on Specialty 10.02.19. - Theory of Language, on the theme "The language of Mass-media in the Aspect of a Standard of Speech (on the material of the Mass-media the Republic of Uzbekistan)"

Key words: the language of mass media, medialogistics, speech and cultural evaluation, normative aspect, communicative aspect, expressiveness, emotiveness, standard.

Object of research: The object of the thesis is the aspect of standard speech in the languages of mass media.

Subject of research: is the normative, communicative and ethic aspects of the speech standard of the language of mass media.

Methods of research: The following methods have been used in the thesis: the method of linguistic classification, methods of semantic and stylistic and componential analysis, comparative method, analysis of uttered speech on the radio and TV, and social poll.

The obtained and their novelty: The normative, communicative and ethic aspects of speech standard of mass media (newspaper, television and radio) were analysed for the first time as a monographic research; the principles of the problems of the language of the mass media and speech standard in linguistics were defined; modern concept of the speech standard have been covered and specific features of using speech standards in the language of the mass media have been pointed out; the language peculiarities of the language of the mass media have been analysed; national specific feature of the language of newspaper was covered; socio and psycholinguistic and functional and communicative peculiarities have been studied; expressiveness of the newspaper language and its speech and speech standard evaluation have been defined; the specific language features of newspaper, television and radio have been pointed out; speech the language of newspaper, television and radio have been analysed from speech standard point of view; the use of language in mass media have been analysed from standpoint of speech standard and normative aspect; speech standard of mass media have been analysed from communicative aspect; standard of speech was analysed from ethic aspect; interrelation between the aspects of speech standard in the language of mass media have been revealed

Practical value: The results of the research can be applied to doing scientific work in General Linguistics, Uzbek Linguistics, Speech Standard, Stylistics, Rhetoric and Journalism; it can be used in conducting lectures and having seminars in the philology and journalism faculties in speech standard, stylistics, the language of Mass Media, and Rhetoric.

Degree of embed and economic efficiency: The basic content of the work reflected in a monograph, in scientific articles published in foreign journals, scientific and theoretical conferences, and in more than 60 articles and abstracts.

Sphere of usage: The materials of the research can be used in writing textbooks in Speech Standard, Stylistics, Linguoculturology, the Language of Mass Media, and Psycholinguistics.